Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 142 (20. 409) • 1989 йил 16 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ЕВРОПАДА ЯНГИ УМУМИЙ ХОНАДОН ҚУРАЙЛИК

М. С. Горбачевнинг Баден-Вюртембергда бўлиши

ШТУТГАРТ, 14 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Расмий визит билан ГФРда турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев бугун Баден-Вюртемберг ўлкасининг асосий шаҳрига борди. СССР, ГФР ва Баден-Вюртемберг ўлкасининг байроқлари билан безатилган Штутгарт аэропортида уни ўлка Бош министри Л. Шпэт рафиқаси билан бирга, ландтаг (ўлка парламенти) раиси Э. Шнайдер рафиқаси билан бирга, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Иккала мамлакатнинг Давлат гимнлари ижро этилди. Болалар М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачевага гуллар тақдим этишди. Дастлабки одимларданоқ Совет иттифоқилик меҳмонлар Баден-Вюртемберг ўлкасининг ўзига хос хусусиятини сездилар: самолёт пиллапоясининг ёнгинасида қадимий шваб либосидаги музикачилар ва рақкослар гуруҳи уларни қуршаб олди.

Штутгарт — Федератив Республиканинг ярим миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган йирик индустриал, савдо, илмий ва маданий марказидир. Дунёга машҳур бўлган «Бош» ИБМ, «Даймлер-Бенц» концернларининг корхоналари, электрон, машинасозлик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, полиграфия саноатининг завод ҳамда фабрикалари шу ерда жойлашган. Баден-Вюртемберг ўлкаси савдо-саноат соҳасида бизнинг мамлакатимиз билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, совет артистлари ва ижодий коллективлари Штутгартга мунтазам келиб, ўз санъатларини намойиш этмоқдалар, СССР халқларининг маданият ва санъат кўргазмлари ўтказилмоқда, адиблар, театр ва кино арбобларининг учрашувлари бўлиб турибди. «ГФР — СССР» Вюртемберг жамияти фаол иш кўрмоқда.

Суратда: М. С. Горбачевнинг Штутгарт аэропортида кутиб олиниши.

ТАСС—ЎзТАГ телесурати.

Шаҳар аҳолиси совет раҳбарини ғоят самимий ва шодиёна кутиб олди. Автомашиналар кортежи аэропортдан «Нойес шлос» қасригача ўтиб борган бутун йўлда минглаб кишилар СССР ва ГФР байроқчаларини кўтариб туришар эди. Қаср ёнидаги майдон одамларга лиқ тўла эди, шу ерда расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўлка кенгашининг аъзолари ва Баден-Вюртемберг ўлкасининг таниқли кишилари совет раҳбарига таништирилди.

Л. Шпэт ва М. С. Горбачев табрик баёнотлари беришди.

Совет раҳбари ўлка ҳукуматининг фахрий меҳмонлар китобига имзо чекди. У Л. Шпэт билан суҳбатлашди.

Баден-Вюртемберг ўлкасининг Бош министри олий мартабали меҳмон шарафига қабул маросими уюштирди, қабул маросимида совет раҳбари ва ўлка ҳукуматининг бошлиғи нутқ сўзладилар.

Сўнгра М. С. Горбачев Штутгарт университетига борди, бу ерда унга мураккаб асбоб-ускуналар — роботлар, компьютерлар, йўлдош алоқа элементлари бўлган ахборот системалари, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш комплекслари кўрсатилди.

Совет раҳбари виставка ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, унинг юқори савияда эканини уқтириб ўтди. М. С. Горбачев СССР билан ГФР ўртасидаги илмий ва ишлаб чиқариш алоқалари ажойиб натижалар бериши мумкинлигига ишонч билдирди.

А. ПЕТРОВСКИЙ,
Ю. РОМАНЦОВ,
В. СЕРОВ,
В. СМЕЛОВ,
С. СОСНОВСКИЙ,
В. ЧУКСЕЕВ.

ҲАММА УЧУН ЖИДДИЙ САБОҚ

Республика партия-хўжалик активининг йиғилиши

15 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика партия-хўжалик активларининг йиғилиши бўлди, йиғилишга партия комитетларининг биринчи секретарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, жамоат ташкилотларининг, маъмурий органларнинг, корхоналарнинг, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг, ижодий союзларнинг раҳбарлари, шунингдек ветеранлар жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф қилинди.

Йиғилиш Фарғона областидаги оммавий тартибсизликлар натижасида ҳалок бўлганлар хотирасини ўрнидан туриб, бир минут сукут сақлаб эслади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Фарғона областидаги миллатчилик кўринишлари ва партия, совет, маъмурий органларнинг республикадаги вазиятни барқарорлаштириш вазифалари тўғрисида» доклад қилди. (Доклад матбуотда эълон қилинади).

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев, Тошкент область Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози правлениесининг раиси И. О. Зуфаров, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Смеюшчев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков партия-хўжалик активлари йиғилиши қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Йиғилиш резолюция қабул қилди, резолюцияда Фарғона областидаги воқеалар қаттиқ қораланди ва вазиятни барқарор этиш юзасидан долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Партия-хўжалик активлари йиғилиши шу билан тугади. Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари Ф. Д. Бобков, КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг сектор мудири Н. В. Багров, СССР Бош прокурорининг ўринбосари О. В. Сорока иштирок этдилар.

Н. И. РИЖКОВ нутқи

Совет Ўзбекистони ҳамиша иттифоқдош республикаларнинг интернационал оиласида муносиб ва фахрли ўрин олиб келган. Ўзбек халқининг ўғил ва қизлари революция ишига, янги турмуш қуриш, Ватанни, унинг мустақиллигини фашист босқинчиларидан ҳимоя қилиш ишига катта ҳисса қўшганлар. Биз ҳаммамиз социализмнинг инсонпарварлик қиёфасини тиклаш ҳамда демократия, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик вазиятида барча республикаларнинг, бутун Совет Иттифоқининг иқтисодий ва социал тараққиёти учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш мақсадида қайта қуришга киришдик. Биз биргаликда ўз куч-ғайратларимизни ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал этишга сарфлаяпмиз, СССР халқ депутатларининг яқинда тўгаган съездида шу ҳақда гапирилди.

Съезд мамлакат турмушида, совет кишиларининг манфаатларини кўзлаб мамлакатни тубдан янгилашдан иборат буюк тарихий ишда зўр воқеа бўлди. Съездда эркин, ўртоқларча мунозара вазиятида халқни тўлқинлантираётган ҳамма муаммолар янгради, деса бўлади. Съезд аҳволимизнинг нақадар мураккаблигини кўрсатиб берди. Бироқ, айни вақтда у Коммунистик партиянинг, бутун совет халқининг қайта қуриш йўлига содиқлигини тасдиқладики, энг муҳими ҳам мана шу бўлди. Съезд бизнинг бундан бошқа йўлимиз йўқлигини кўрсатди. Жамиятимиз фақат қайта қуриш орқали, фақат демократия ва ошкоралик орқали, иқтисодий ва сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш орқали қийинчиликларни бартараф этишга ва совет халқига ҳар жиҳатдан муносиб ҳаётни таъминлашга қодирдир.

Биз Фарғона областидаги фожиали воқеалар муносабати билан республикага келганимизни сизлар биласиз, албатта, ўртоқлар. Ўз-ўзидан равшанки, мамлакат раҳбарияти бу ерда содир бўлаётган воқеалар ҳақида бирмунча тўлиқ тасаввурга эга эди. Бу хусусдаги маълумотлар бизга съезд ишлаб турган кунларда юборилган эди. Биз, жумладан, республикангиз раҳбарияти билан бирга бир неча бор йиғилиб, вазиятни таҳлил этдик ҳамда бошланган можарони чеклаш ва тўхтатиш учун зарур чораларни зудлик билан кўришга интилдик. Бироқ, жойнинг ўзида кўришга тўғри келган нарсалар фожианинг миқёсларини, унинг илдизлари ва эҳтимол тутилган оқибатларини кўп жиҳатдан янгича идрок этишга мажбур қилади, очиғини айтганда, унинг оқибатларини ҳозирча ҳар томонлама баҳолаш анча қийин.

Содир бўлган воқеаларнинг ҳаммаси шу тийиқсиз можарода энг кўп азият чеккан ўзбекистонлик туркларнинг мусибати ва бахтсизлигигина бўлиб қолмай, айни вақтда ўзбек халқининг ҳам катта кулфатидир, бу халқнинг интернационал виждони Совет ҳокимияти йилларида қарор топиб мустаҳкамланган, кўпдан-кўп синовларга шараф билан бардош берган эди, деган фикр сафар ва кўпдан-кўп учрашувлар чоғида бизни асло тарк этмади.

Бутун мамлакатни ларзага солган жиноят бу ерда, Ўзбекистонда содир бўлганига ақл бовар қилмайди, Ўзбекистон халқи ўзининг меҳмондўстлиги, бағри кенглиги билан ҳаммага машҳур эди-ку. Аммо бу воқеани ўзбек халқининг иродаси ва қўли деб билиш қаттиқ янглишиш бўлур эди. Бу — халқнинг қўли эмас, балки шу халққа мансублик, унинг тарихий ва эъзозли номи билан юритилиш ҳуқуқидан ўзини маҳрум этган жирканч жиноятчиларнинг қўлидир.

Зотан биз Фарғона областида бўлганимизда халқ дилининг шу изтиробини жуда яхши ҳис қилдик. Ҳатто шу кунларда жуда оғир кулфатга учраган турк аҳолисининг кўпгина вакиллари ҳам кўпинча, умуман ўзбек халқига аввалгидек миннатдорчилик ва ҳурмат туйғулари билан қарашларини айтдилар.

45 йил муқаддам сизлар Сталин бедодлигидан азият чеккан кичик халқни паноҳингизга олган эдингиз. Бу халқнинг эркаклари ўша пайтда фронтда эдилар, Ватан учун мардона жанг қилаётган эдилар, уларнинг кўплари ўз уйларига қайтиб келишмади. Сизлар қардошлик муносабатлари ўрнатдингиз, оилаларингиз иноқлашиб кетди, муштарак бир ишни қила бошладингиз. Соғлом ақл-идрок нуқтаи назаридан на оқлаб, на изоҳлаб бўладиган воқеа нечун содир бўлди?

Содир бўлган воқеани тушуниш учун унинг илдизларини очиш, шу воқеадан манфаатдор бўлган кучларни топиш керак. Бу воқеа халққа манфаатли бўлиши мумкин эмас. Бунга шак-шубҳа йўқ. Бунда миллатлараро адоватни ҳамиша жиноятқорона ҳаддан ошиш, порахўрлик, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий разил найранглар имконияти вужудга келадиган замин деб ҳисоблайдиган шафқатсиз ва раҳмсиз кимсаларнинг қўли бор. Халқлар ўртасидаги душманликни, турли-туман миллатчилик кирдикорларини авж олдириш халқлар бошига нақадар фалокатли оқибатлар солганлиги бизга тарихдан маълум.

«Ферганская правда» газетасининг «Бу айрим безориларнинг иши эмас. Улардан қандайдир кучлар аллақачон ишлаб чиқилган, яхши режалаштирилган, фақат областдагина эмас, республикада ҳам, мамлакатда ҳам вазиятни беқарор қилишни асосий мақсад қилиб қўйган кенг миқёсли ва моҳирлик билан амалга оширилаётган сиёсий ҳаракатда қурол сифатида фойдаланмоқда» деган фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. Ҳатто дастлабки таҳлил ҳам бу пухта тайёрланган ҳаракат эканлигидан далолат бермоқда, республикадаги фожиали воқеаларга худди ана шундай позициядан туриб ёндашмоқ керак.

Экстремистлар ўз ёвуз ишларини қилишди. Ҳозир икки халқ орасига ишончсизлик сояси тушди. Юзга яқин киши ҳалок бўлди, бир неча юз киши жароҳат олди ва майиб бўлди, минглаб кишилар бошпанасиз қолдилар, мол-мулкларидан маҳрум бўлдилар. Ахир, бу уйларни қуриш, мол-мулк орттириш учун улар бутун умрларини сарфлашган. Республика халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етди. Совет кишиларимиз тинч даврда ўзаро нифоқ даҳшатларини бошидан кечирганликларини қандай баҳолаш мумкин? Бу унсурлар кенг ёшлар оммасини қандай қилиб ғайриқонуний ҳаракатларга, ур-йиқит ва ваҳшийликларга жалб қилдилар? Биз буни ҳам текшириб чиқишимиз лозим. Чунки ҳар бир деҳқон ўз фарзандлари ва невараларини қадимий анъаналар руҳида — катталарни иззат-ҳурмат қилиш, оналарга, ўз хонадонига, қўни-қўшниларига чексиз ҳурмат руҳида тарбияламоқдалар. Халқ орасида узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши, деб бекорга айтишмаган. Неча ўнлаб йиллар давомида турли миллат вакиллари Ўзбекистонда тинч ва аҳил яшаб келдилар. Бу ерда одамларни ҳеч қачон нафрат ва ўзаро бир-бирини ёқтирмаслик руҳида тарбиялаган эмаслар. Шундай экан, нима учун баъзилар қўлига қурол, жумладан, милтиқ олишди? Уларнинг ақлини нима хира қилди, ваҳшиёна хатти-ҳаракатга уларни ким ундади?

Таҳлил экстремистларнинг раҳбарлари вазиятни беқарор қилиш учун ўз ғаразли мақсадлари йўлида ҳамма нарсадан фойдаланганликларини кўрсатмоқда. Фақат ҳалок бўлганлар, жароҳатланганлар ва бошпанасиз қолган тинч аҳоли учун масъулиятгина эмас, улар томонидан алданган ёшларнинг тақдири учун масъулият ҳам ўша экстремистлар раҳбарларининг қора виждонига тушади. Буларнинг ҳаммасини ҳам пухта текшириб чиқиш керак бўлади. Ҳозир эса ҳаракат қилиш, энг долзарб чораларни ҳам, келажакка мўлжалланган чора-тадбирларни ҳам амалга ошириш зарур.

Мумкин бўлган ҳамма усуллардан фойдаланиб, можаро оловини ўчириш, унинг авж олиб кетишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун нима қилиш лозим? Энг аввало — барча воситалардан фойдаланиш керак. Биринчи навбатда халқ ҳузурига бориш, партия, совет ва хўжалик ходимлари, зиёлиларнинг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари — ҳамма халқ ҳузурига бориши керак. Воқеалар келиб чиқишининг чинакам сабаблари ҳамда ҳозир Фарғона областида юз бераётган жараёнлар тўғрисида республика меҳнаткашлари ва аҳолиси ўртасида фаоллик билан кенг тушунтириш ва хабардор этиш ишларини олиб бориш даркор. Бу иш одамлар осойишталик ва тартиб сақлашларига, юксак меҳнат ва гражданлик интизомини сақлашларига, иғвогарлар ва безориларга қатъий зарба беришларига қаратилиши лозим. Бу ишнинг бир томонидир.

(Давоми иккинчи бетда).

• *РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА* •

ИБРАТ

Олтиариқ райони пиллакорларининг бу йилги эришган муваффақиятларига Энгельс номли колхоз аъзолари ҳам муносиб улуш қўшишди. Пиллачилик ривожланган бу хўжаликда тайёрланган «кумуш тола» 31,2 тоннага етди. Бу белгиланган халқ хўжалик планидагидан 2 тонна кўп демакдир. Ҳар қути ипак қурти ҳисобига эса ўртача 69,5 килограммдан ҳосил етиштирилди.

Моҳир пиллакор, СССР Давлат мукофоти лауреати Ф. Қўзибоева ҳам шу хўжаликда меҳнат қилади. Фазилат опа шу кўклам 60 баҳорни қаршилади. Пенсияга чиққанига қарамай, яна ипак қурти олиб парваришлади. Зиммасидаги социалистик мажбуриятини ҳам бажарди. У топширган 80 килограммга яқин пилланинг сифати юқори, деб топилди. У эришган муваффақият бошқа пиллакорларни ҳам руҳлантириб юборди.

Х. ЖЎРАБОЕВ.

ТАДБИРКОРЛАР

Тадбиркор одамлар ҳақида гап кетганда Чоршам Мирзаев номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чоршам Мирзаев 42 йиллик иш фаолиятининг кейинги 20 йили давомида «Ҳазорбоғ» совхозида пахтачилик бригадасини бошқарди. Пахта ҳосилдорлигини 42 центнергача кўтарилишини таъмин этди. Эндиликда сабзавотчилик ва озуқачилик бригадасига бошчилик қилмоқда. Бригадага 59 гектар майдон ажратиб берилган. Бригадир янги иш участкасида барча агротехника тадбирларнинг қулай ва қисқа муддатларда амалга оширилишини таъминлади. 49 гектар ерга экилган лавлаги айни кунларда баравж ривожланаётир. Мавжуд майдондаги карамдан дастлабки 30 тонна ҳосил давлатга топширилди, ҳали далада ҳосил мўл. Шунингдек, сабзи ва ерёнғоқ экилган 7 гектар майдонда ҳам дала ишлари қизғин бормоқда.

Т. ШАРИПОВ.
Денов райони.

ПУДРАТЧИ ОИЛА

Шу йилдан бошлаб Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида барча тармоқларда иш оилавий пудрат асосида ташкил этилди. Ўтган вақтда ҳамма соҳаларда олға силжишга эришилди. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш борасида қувончли ютуқлар қўлга киритиляпти. Масалан, Раҳимовлар оилавий звеноси 2 гектар ерда карам ўстириб, мўл ҳосил етиштирди. Улар шартнома бўйича 33 тоннадан зиёдроқ маҳсулот топширишлари керак. Ҳозиргача планни ошириб адо этишди. Ҳали далада ҳосил мўл. Уни уюшқоқлик билан йиғиб олиш давом этяпти.

Суратларда: 1. (чапдан) Кибро, Жакбарали, Ҳусанбой, звено бошлиғи Қурбон ва Хайрулло Раҳимовлар. 2. Карам узилмоқда.

А. КОВТУН суратлари (ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

• ПИЛЛАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Тўрткўл райони пиллакорлари бу йилги табиат қийинчиликларига қарамай мардона меҳнат қилдилар ва дастлабки зафар маррасини эгалладилар. Она-Ватан тўрткўллик миришкорлардан йиллик планда белгиланидан анча кўп — 171 тонна «кумуш тола» қабул қилиб олди.

План бажарилган бўлса-да ҳали қуртхоналарда пилла бор. Пиллакорлар жами ҳосилнинг ҳаммасини қисқа муддатда қабул пунктларига териб топшириш чораларини кўришмоқда. Уларнинг аҳди яна 8 тонна қимматбаҳо хом ашё тайёрлаб, ялпи пилла хирмонини 179 тоннага етказишдан иборат.

• ҒЎЗА ГУЛЛАДИ

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жиянқул Рустамов бошлиқ 3-алмашлаб экиш участкасида ғўза гуллай бошлади. Айниқса, участканинг Я. Бойниёзов етакчилигидаги пудратчи звено далалари кўзни қувонтиради. Бу ерда чигит воҳада биринчи бўлиб экилган ва ундириб олинган эди. Ҳозир звено пахтазорларида ғўза қийғос гулга кирди.

— Бу, — дейди совхоз директори С. Тўхтамишев, — пудрат самарасидир. Хўжалигимиз деҳқонлари пудратнинг звено усулини танладилар. Янги усул одамларда ерга хўжайинлик ҳиссини оширди. Ҳозир хўжаликда 500 гектардан ортиқроқ майдондаги ғўза гуллади. Совхозимиз деҳқонлари бу йил 3500 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш ниятида меҳнат қилаётир.

Н. ҲАЙИТҚУЛОВ.

• МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Қарши районидаги К. Маркс номли совхоз чорвадорлари давлатга 480 тоннадан ортиқ серқаймоқ сут топшириб, ярим йиллик планини муддатидан илгари ошириб ўринлатдилар. Муваффақиятга Ҳ. Бозоров мудирлик қилаётган сут-товар фермаси коллективи катта ҳисса қўшди. Жумладан, С. Жўраев, Х. Рўзиева, О. Муҳаммадиева, С. Хидирова, Д. Қаршиева сингари пешқадам сут соғувчилар ўз боқимларидаги ҳар бир сигирдан ўртача 1500 килограмм атрофида сут соғиб олдилар.

Шунингдек, райондаги С. Раҳимов номли совхоз сут соғувчилари ҳам ярим йиллик марради ўзиб кетдилар. Эл дастурхонига 294 тоннадан зиёд сут етказиб берилди.

М. КАРОМОВ.

ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. М. Чебриков 15 июнь куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Улар Фарғона областидаги воқеалар муносабати билан Ўзбекистонга келишган эди.

Жўнаб кетишдан олдин Н. И. Рижков билан В. М. Чебриков В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар.

Тошкент аэропортида уларни СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

ҲАММА УЧУН ЖИДДИЙ САБОҚ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қонун кучидан ҳам, тартибни сақлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари имкониятидан ҳам фойдаланиш, бунга аҳолининг ўзини жалб этиш, ишчи дружиналари тузиш лозим. Хуллас, одамлар яна социал-психологик ишончга эга бўлишлари учун, шаҳарларда ва посёлкаларда нормал турмуш тезроқ тикланиши учун ўзбошимчаликдан ҳимояланишни таъминлаш лозим.

Бундан ташқари сизларга маълумки, Фарғона яқинидаги қочоқлар лагерида яшаётган турк миллатига мансуб гражданларга, уларнинг оилаларига агар ихтиёр қилсалар, Россиянинг Ноқоратупроқ районларига жўнаб кетиш имконияти берилган. Бу ана шу лагерда юз берган фавқулодда вазият туфайли кўрилган вақтинча чорадир. Улар учун нормал уй-жой-маиший шароит яратиш, даволаш, барча зарур нарсалар билан таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Шу билан бир вақтда республиканинг бошқа районларида ана шу миллатга мансуб гражданлар хавфсизлик шароитида яшашлари ва меҳнат қилишларига имкон берадиган вазиятни вужудга келтириш лозим. Бу — ҳозирги пайтда асосий вазифадир. Партия, давлат органларининг, ҳар бир меҳнат коллективининг куч-ғайрати ана шу вазифани ҳал қилишга қаратилиши лозим.

Ўртоқлар! Турғунлик йилларида ғоят хунук шаклларда намоён бўлган маълум салбий ҳодисаларнинг республикадаги маънавий муҳитга таъсири ҳамон яққол сезилиб турибди. Порага сотилиш, кадрларнинг бузилиши, қўшиб ёзишлар, экономика ва маданиятдаги бузилишлар оқибатларига қарши мураккаб, баъзан эса қарама-қарши шароитда қатъий кураш олиб боришга, ижтимоий онгдаги эски тафаккур андазаларини мунтазам бартараф этиб боришга тўғри келмоқда.

Эскилик билан янгиликнинг кураши Фарғона областидаги фожиали воқеаларда, айниқса, яққол намоён бўлди. Кўпгина партия комитетлари умуман янгиланиш жараёни текис, қийинчиликсиз ривожланаверади, деб ўйлаганликларини тан олмаслик мумкин эмас. Амалда шундай муаммоларга дуч келиндики, бу муаммолар жамиятдаги барқарорликни жиддий равишда бузди ва социал кескинликни вужудга келтирди. Бу соҳада чуқур таҳлил, қатъий хулосалар, омма орасида ишлашнинг янги шакллари ва усуллари талаб қилинди. Бироқ бу соҳада ўз вақтида ҳаракат қилинмади, кўпгина партия ташкилотлари ишида қайта қуриш бўлмади.

Фарғона водийсида юз берган воқеалар шундан далолат берадики, воқеаларнинг бу қадар йўл қўйиб бўлмайдиган ва бошқариб бўлмайдиган ривожланишига олиб келган сиёсий ва социал омиллар бутун мажмуасини яна бир бор тўла идроклаш лозим бўлади. Равшанки, одамларнинг социал-иқтисодий ўзгартишлар суръатларидан қониқмаганлиги, шунингдек, республика партия ташкилотининг эътиборини вазиятни соғломлаштириш учун, уюшган жиноятчилик ва порага сотилишга қарши, чинакам социалистик, революцион тарзда ҳаётнинг ҳамма соҳаларини янгилаш учун курашдан чалғитишни истаётган кучлар одамларнинг норозилигидан моҳирлик билан фойдаланиб қолганлиги буларнинг орасидаги ҳал қилувчи омиллардир.

Ҳа, республикада жиддий социал қийинчиликлар мавжуд. Аммо уларни вайрон қилиш йўли билан эмас, бунёдкорлик йўли билан бартараф этиш керак. Экономикадаги ишларнинг аҳволини таҳлил этганда бир неча беш йилликлар давомида тараққиёт суръатлари кескин пасайиб бораётганлигини, самарадорлик анча камайиб кетганлигини сезмаслик мумкин эмас.

Ҳал қилиш зарур бўлган социал-иқтисодий муаммоларнинг миқёслари ортиб бораётган бир пайтда миллий даромаднинг арзимаган даражада ўсиши экономиканинг номутаносиблигини узлуксиз келтириб чиқаради. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг жуда суст суръатлари республика учун характерли бўлган демография жараёнларига аллақачондан буён мос келмай қолган, бу эса ўз навбатида социал вазиятни кескинлаштирмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларга қараб, шу ҳақда фикр юритиш мумкин. Беш йилликнинг ўтган уч йилида аҳоли реал даромадларининг йиллик ўртача ўсиш суръати ғоят паст даражага тушиб қолди, яъни атиги 0,3 процентни ташкил этди. Агар ўтган беш йилликда ҳам бу суръат бор-йўғи 1,3 процентга тенг бўлганлиги ҳисобга олинса, кўп вақтдан буён одамларнинг моддий фаровонлиги яхшиланиш сари ўзгармаётганлиги мутлақо равшан бўлади.

Аҳоли жон бошига энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш 1985 йилдан буён камайиб бораётганлиги аҳволни чигаллаштирмоқда. Социал соҳа ривожланишидаги аҳвол жиддий ташвиш туғдирмоқда. Уй-жой программасини бажариш топшириқдан орқада қолмоқда. Соғлиқни сақлаш, халқ таълимининг моддий-техника базаси қониқарсиз аҳволда, мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш планлари барбод бўлмоқда. Хуллас, республикада социал муаммолар устун даражага қўйилмади ва бунинг оқибатлари кўзга ташланмоқда. Социал соҳадаги қолоқлик мунтазам тус олмоқда. Аччиқ ҳақиқат ана шундай, ишларнинг ҳақиқий аҳволи ана шундай. Бу эса республикада юз берган вазиятнинг оғирлиги тўла тушуниб етилмаганлигидан далолат беради. Халқ ҳаётининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишдаги йўл қўйиб бўлмайдиган сусткашликнинг сабаби ҳам ана шунда. Бу билан пировард натижада қайта қуриш сиёсатининг обрўсига путур етказилмоқда. Ғоят қисқа муддат ичида экономикадаги мураккаб вазиятни бартараф этмай туриб, социал кескинликни юмшатмай туриб соғлом осойишта муҳитни яратиш қийин.

Шу билан бир вақтда Ўрта Осиё шароитида чуқур социал ўзгаришлар қилмай туриб, яъни одамларни иш билан самарали таъминламай туриб, тарбия ва мактаб таълими сифатини оширмай туриб, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамламай туриб иқтисодий ўсишнинг анча жадаллашишига эришиб бўлмаслиги мутлақо равшан.

Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг характери жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Сўнгги йилларда дон, сабзавот, картошка ва узум етиштириш камайди. Чорвачилик маҳсулотларининг ўсиш суръатлари пастлигича қолмоқда. Аҳоли жон бошига гўшт етиштириш атиги 22 килограммни ташкил этади ва 1985 йилга нисбатан ўсиш фақат бир килограммга етди.

Умумиттифоқ фондлари ҳисобига ва чет мамлакатлардан сотиб олиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришни бироз кўпайтириш озиқ-овқат бозоридаги аҳволни унча ўзгартирмади. Демак, бошқача туб чора-тадбирлар зарур. Ўзбекистон ССРдан сайланган халқ депутатлари съездда айтганларидек, бу аҳвол агросаноат ишлаб чиқаришини структура жиҳатидан қайта қуриш, энг аввало, пахта яккаҳокимлигини тугатиш республикада гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни жадал кўпайтириш билан боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам бу сира кечиктириб бўлмайдиган, жуда етилган ва айни пайтда мураккаб, ўзгача муаммодир.

Ўзбекистон — мамлакатнинг асосий пахта базаси. Республиканинг халқ хўжалигига қўшаётган бу ҳиссасига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон ССР олимлари ва жамоатчилигининг ана шу тармоқни ва умуман регион экономикасини ривожлантиришнинг бутун стратегияси негизи сифатида махсус Бутуниттифоқ «Пахта» программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлаш лозим. Пахтанинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиб, унинг харид нархини ошириш масаласи етилди. Республика шу хусусдаги таклифларни киритди, улар ҳозир ишлаб чиқилмоқда.

Пахта толасини қайта ишлашни кенгайтириш, яъни республикада тўқимачилик саноатини жадал ривожлантириш тўғрисидаги масалани қўйиш ҳам ҳақлидир. Бу хусусда ҳам олға томон жиддий ҳаракат қилиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улар етиштирилган жойнинг ўзида қайта ишлаш ҳам долзарб муаммо бўлиб турибди. Ҳукумат қабул қилган қарорда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, қайта ишловчи тармоқни техник жиҳатдан янгилаш программаси белгилаб берилган. Бироқ ҳозир белгиланган тадбирлар кечикиб ва сусткашлик билан амалга оширилаётгани ҳақида гапиришга тўғри келмоқда. Ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи, гўштни қайта ишловчи қувватларни ишга тушириш, тегирмон корхоналари қуриш барбод қилинаётганлиги, бир қатор объектларни реконструкциялаш чўзилиб кетаётганлиги кўп ҳолларда ана шу билан изоҳланади. Беш йилликнинг уч йилида қайта ишлаш ва сақлаш объектларида асосий фондларни ишга тушириш топшириғи атиги 86 процент бажарилди. Энди бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, қишлоқ хўжалик хом ашёсини ҳар томонлама қайта ишлаш, унинг нобуд бўлишини камайтириш, маҳсулот хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳисобига республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни камида 1,5 баравар кўпайтириш таъминланиши лозим.

Аграр секторнинг самарадорлигини ошириш учун республиканинг бутун ер-сув хўжалигини структуравий жиҳатдан тубдан қайта қуриш зарур.

Республикада янги қурилишларни қисқартириш ва мавжуд системаларни реконструкциялаш ишларини бутун чоралар билан кенгайтириш, суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини, сувдан такрорий фойдаланиш ва сув таъминоти обороти системасини жорий этиш йўлига қатъий ўтилганини биз тўғри деб ҳисоблаймиз. Бироқ суғориш системаларининг реконструкциялаш ишлари жуда секин бормоқда ҳамда суғориладиган деҳқончилик самарадорлигини ошириш ва сув ресурсларини тежаш юзасидан ҳали реал натижаларга эришилгани йўқ.

Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш юзасидан ҳам катта ишларни амалга оширишга тўғри келади, албатта. Бу уй-жой қурилиши, газлаштириш ва электрлаштиришга, медицина ва савдо хизматига, таълим ва маданиятга тааллуқлидир. Ана шу мақсадлар учун маблағларни давлат капитал маблағлари ҳисобидан ҳам, хўжаликларнинг ўз молиявий ресурслари ҳисобидан ҳам қидириб топишга тўғри келади. Иттифоқ ҳукумати эса мамлакат экономикасини қишлоқ эҳтиёжига мумкин қадар тўлароқ қаратиш учун ҳамма ишни қилаверади. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги аҳволни қисқа муддатда сезиларли даражада ўзгартиришнинг реал имкониятларини ана шунда деб биламиз.

Ўртоқлар!

Регионда юз берган вазият муаммоларни мунтазам ҳал қилмай келиш қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини жуда мушкул кескинлик билан яна бир бор кўрсатди. Аҳолининг иш билан мақбул даражада таъминланишидек мураккаб масалани олиб кўрайлик.

Ўзбекистон аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бораётган бир вақтда меҳнатга лаёқатли катта ёшдаги ҳар беш кишининг бири ижтимоий хўжаликда ишламаяпти. Иш билан банд бўлмаган аҳоли сони тобора кўпаймоқда. Бир қанча жойларда, масалан, ўша Фарғона водийсида, эндиликда аҳвол танг бўлиб қолди. Бу таҳликали фактлар ҳаммага маълум.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари иш билан бандлик муаммолари жуда ўткир бўлиб турганлигига етарлича баҳо бермаётганликлари хусусида гапириш лозиммикан, ўртоқлар. Вужудга келган вазиятда бу сиёсий калтабинликдир.

Кўп одамларнинг ишсиз қолиши — бу турмуш даражасининг бевосита пасайиши ва социал кескинликнинг кучайишигина эмас. Бу, аввало, бугун ҳаётга қадам қўяётган, дунёқараши шаклланаётган ёшларга даҳлдордир. Айни вақтда бу беихтиёр меҳнатсиз даромадларга, текинхўрликка, ҳуқуқни бузишга интилишни юзага чиқараётган қулай муҳит ҳамдир.

Хуллас, таркиб топган вазиятнинг ўткирлигини ҳисобга олиб, шунингдек, келажакда меҳнат ресурслари тез ўсиб боришини назарга олиб, Ўзбекистонда аҳолини иш билан банд этишни кучайтириш учун тубдан куч-ғайрат сарфлаш лозим.

Яқинда қабул қилинган республикада ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш программасида мазкур масалани ҳал этиш бобида тегишли тадбирлар назарда тутилган. Аммо назаримизда, муаммо шу қадар ўткир ва шу қадар катта социал кескинликни вужудга келтиряптики, сира шак-шубҳасиз белгиланган тадбирларни бажариш муддатларини қисқартириш ҳам, шу яқин орада кўпгина янги иш жойларини бунёд этиш учун қўшимча жиддий тадбирларни амалга ошириш ҳам талаб этилади.

Иттифоқ ҳукумати бу масалани дарҳол кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилишга тайёрдир.

Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатларнинг айрим умумий масалалари хусусида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Салкам 20 миллион одам яшайдиган Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 70 процентини ташкил этадиган ўзбеклардан ташқари кўпгина миллатлар ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилмоқдалар.

Сўнгги кунларда содир бўлган воқеалар республика партия ташкилоти миллатчилик кўринишларига йўл қўймаслик учун ҳамма ишларни қиляптими, деган масала хусусида ўйлашга мажбур этади. Кўпмиллатли республика шароитида бу ишдаги ҳар қандай бўшашувчилик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Биз, республикада миллатчилик аломатлари учун замин йўқ, деб айта олмаймиз. Бу дард ниҳоятда яшовчан эканлигини сиз яхши биласиз. Ахир баъзан шу дарднинг қўзғаб қолиши учун эҳтиётсизлик билан айтилган, ботадиган битта гапнинг ўзи кифоя. Шу боисдан ҳам партиянинг идеология иши савиясига катта талаблар қўйилиши лозим.

Бу соҳада ҳамма иш дурустми? Мен бу хусусда тўла ишонч билан фикр юритишга журъат этмайман, чунки уч кун ичида идеология ишининг аҳволи тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун имконият бўлмади, албатта. Аммо шуни ишонч билан айтиш керакки, Фарғонадаги воқеалар пайтида миллатчилик кўринишлари лов этиб ёнганида республикадаги партия органлари, оммавий ахборот воситаларида бунга қарама-қарши идеология алангаси ёнгани йўқ. Тошлоқда кам сонли халққа қарши қаратилган ур-йиқит бошланганида, улар бонг уришлари лозим эмасмиди? Республиканинг жами партия активлари дарҳол бунга яраша жавоб беришлари, партиянинг энг яхши кучлари сафарбар этилиши ва ҳаракат қилиши лозим эди-ку, аммо бундай бўлмади, аксинча, сусткашлик, кутиб туриш сиёсати намоён бўлди.

Айни вақтда Фарғонадаги воқеалар партия ва совет органлари бошига саратонда ёққан қордек бўлди, дейиш мумкин эмас. Шу йил апрель ойининг бошларидан ана шу органларга месхети туркларига нисбатан мўлжалланаётган хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабарлар кела бошлагани маълум. Корхоналарда турклар номига ёзилган дағдағали хатлар пайдо бўла бошлади, уларга республикадан чиқиб кетиш таклиф этилди. Худди ана шу даврда уларни ишга қабул қилмаслик ҳоллари кўпайди. Месхети турклари яшаётган конкрет жойларни аниқлаш учун муайян мақсадни кўзлаб хатти-ҳаракатлар қилинганига оид бир қанча фактлар бор. Шу мақсадда аҳолини сўнгги рўйхатга олиш маълумотларидан фойдаланилди. Айрим ҳолларда адресларни милиция ходимлари аниқладилар.

Ана шу хавфга қарши маданиятнинг ниҳоятда обрўли арбоблари, аввало ижодкор зиёлилар жар солишлари лозим эди, уларнинг оташин сўзлари ана шу лаҳзаларда одамлар кўксида эзгулик, шафқат-мурувват алангасини ёқиши лозим эди. Афсуски, бундай чиқишлар сўнгги кунларда оммавий ахборот воситаларининг қиёфасини белгиламаяпти. Ўзбек зиёлиларининг овози янада баландроқ ва ташвишлироқ янграшини, маънавий муҳитни миллатчилик чиқиндиларидан тезроқ холи қилишга ёрдам беришини истар эдик.

Интернационализм ҳамиша бизнинг синалган қуролимиз эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Интернационализм совет халқининг, шу жумладан Ўзбекистон халқларининг қон-қонига сингиб кетган. Ҳаммамиз учун меҳнаткашларнинг қардошлиги, халқларнинг қардошлиги маънавий моҳиятимизнинг ажралмас хислатига, совет кишиларининг ифтихорига айланган. Эндиликда биз бутун ташқи дунё билан муносабатларимизни умуминсоний қадриятларнинг устунлиги асосига қурмоқдамиз ва бу бизнинг интернационализм принципларига садоқатимиз билан чамбарчас боғлангандир. Ана шу бойликдан амалий ишда қандай фойдаланиш керак — бу ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир партия ташкилотининг ижодий ёндашуви масаласидир.

Маълумки, миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар муаммолари съездда кенг кўламда муҳокама қилинди. Халқ депутатлари миллатлараро муносабатларда кўп йиллардан буён тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг муҳимлиги ва мураккаблигини тушунишга, инсоний муносабатларнинг ана шу нозик, андиша билан иш тутиш лозим бўлган соҳасида йўл қўйилган хатолар ва бузилишларни тузатишга катта ҳисса қўшдилар.

Миллатлар Советининг вазифалари тубдан ўзгарди, эндиликда мазкур Совет миллатлар ва элатлар яшаши ва ривожланиши, улар истиқомат қилаётган регионлар ҳамда бунёд этаётган ижтимоий муассасалар муаммоларини қонун йўли билан ҳал этувчи органга айланди.

Миллатлар Советида бир қанча янги депутатлик комиссиялари, шу жумладан бевосита миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиялари тузилмоқда. Илгари қонунга зид тарзда репрессияга учраган халқларнинг миллий муаммоларини биринчи галда ҳал этиш лозимлиги белгилаб олинди. Бошқа кўпгина миллий масалалар, жумладан Ўрта Осиё республикалари учун алоҳида долзарб бўлган бир қанча миллий масалалар янги парламент бўсағасида унинг дарвозасини тақиллатиб турибди.

Ҳозирги вақтда иғвогарона миш-мишларнинг тарқатилишига сира йўл қўймаслик керак. Бу борада оммавий ахборот воситалари асосий ўринни эгаллашлари, улар воқеалардан тезроқ огоҳ бўлишлари, бу воқеаларга ҳаққоний баҳо беришлари, шундай қилиб, одамларни жунбушга келтирадиган миш-мишлар ва уйдирмаларнинг тарқатилишига чек қўйишлари керак. Матбуот, радио ва телевидение тартибсизликлар, ур-йиқитлар ва бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишини келтириб чиқарган кучларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва уларни кимлар ҳаракатга келтирганини тушунтиришда фаол позицияни эгаллашлари лозим. Ишни шундай ташкил этиш керакки, барча соғлом кучлар ана шу фожиали можарони келтириб чиқарган қора кучлар билан шафқатсиз курашга сафарбар этилсин. Одамларга ҳукумат комиссияси, маҳаллий партия ва совет органлари Фарғонада ва республиканинг бошқа областларида вазиятни барқарорлаштириш учун кўраётган чораларнинг моҳиятини тушунтириш лозим.

Ҳозир умумий хонадонимизда содир бўлган воқеадан бутун халқнинг юраги ачишмоқда. Бундай воқеа ҳеч қачон қайтарилмаслиги учун биз ҳаммамиз барча ишларни қилишимиз керак. Аммо, илгари мен айтганимдек, асосий масъулият республика партия ташкилоти зиммасига тушади. Бу ташкилот ўзининг бундан буёнги иши хусусида хулосалар чиқариб олиши, содир бўлган барча воқеаларга сиёсий баҳо бериши, бебошликка озгина бўлса ҳам ёрдам берган, коммунистнинг юксак номини бадном қилган ва виждони тоза бўлмаган кишиларни қаттиқ жазолаши керак. Фарғона областидаги фожиали воқеалар кўп партия ташкилотлари саросимага тушиб қолганликларини кўрсатибгина қолмай, улар вазиятни назорат қилишни қўлдан бой берганликларини ҳам кўрсатди, мен буни таъкидлаб ўтмоқчиман. Худди ана шундай фавқулодда вазиятларда партия ташкилотларининг жанговарлиги, уларнинг халқ кўз ўнгидаги асл обрўси, уларнинг жамиятнинг сиёсий авангарди бўлишдек ҳуқуқи синовдан ўтади.

Айни вақтда таҳқир қилинган бўлса ҳам, аммо ўз эътиқодига содиқ қолган коммунистлар ҳақида ҳам гапириш керак. Бу худди ана шундай ҳаракат қилиши лозим бўлган, аммо бундай қилмаган барча кишилар учун тўғридан-тўғри таъна бўлиши керак.

Фарғонадаги фожиали воқеалар мен суҳбатлашган барча одамларга таъсир қилган. Турк аёллари ҳам, ўзбек оналари ҳам фарзандлари ва қариндош-уруғларидан ажраб қолганлари ҳақида юрак-бағирлари ўртаниб гапирдилар. Ғам-ғусса қарияларни букиб қўйди, қўрқувдан болаларнинг кўзлари жовдираб турибди. Ким бўлишидан қатъий назар қотиллар, уларнинг гумашталари ва раҳнамолари қонунга кўра қаттиқ жазоланадилар. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмасин.

Ўзбекистонда содир бўлган фожиа биз ҳаммамиз учун жиддий сабоқ бўлиши керак. Бу фожиа миллатлараро муносабатлар соҳасига тааллуқли ҳар бир масалага босиқ-вазминлик ва иззат-икром билан ёндашиш лозимлигидан яна бир карра далолат бериб турибди. Фарғонада содир бўлган воқеалар батамом таҳлил қилинганидан кейин Марказий Комитет Сиёсий бюроси бу масалани ҳар жиҳатдан кўриб чиқади ва тегишли сиёсий хулосалар чиқаради.

Республика партия ташкилоти бу воқеаларга принципиал партиявий баҳо беради, чакки қадам қўйиб ана шу воқеаларда у ёки бу даражада иштирок этган, бу воқеалардан четда турган ҳар бир коммунистни қаттиқ тергаб қўяди, бунга шак-шубҳа йўқ.

КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси шунга аминдирларки, республика партия ташкилоти жамиятда Ўзбекистондаги барча халқларни жипслаштиришга, бу халқларга қардошлик оиласида яшаш ва ишлашга имкон берадиган, республиканинг қутлуғ номини тиклайдиган маънавий-сиёсий вазиятни вужудга келтириш учун куч-қувват ва имкониятга эгадир.



Суратда: СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг Наманган области «Дўстлик» маҳалласи аҳолиси билан учрашуви.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ).

Дунё овози

КЕЛАЖАКНИ БИРГАЛАШИБ ҚУРИШ УЧУН

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг ГФРга визити, Боннда. Қўшма баёнотнинг имзоланиши ва бошқа воқеалар тўғрисидаги хабарлар жаҳондаги етакчи нашрларнинг биринчи саҳифаларидан жой олган.

● БОНН

ГФР канцлери Г. Коль ЦДФ телепрограммаси мухбири билан суҳбатда имзоланган Қўшма баёнотни «ҳайратга соладиган» баёнот деб атади. Унинг гапларига қараганда, иккала давлат тарих сабоқларидан хулоса чиқариб олиш, энг аввало қуролсизланиш, савдо, ёшларни ва спортчиларни бир-бирларига юбориш соҳасида янги муносабатларни бошлаб беришга ҳаракат қилиш ниятидадир.

Германия Федератив Республикасининг Президенти Р. Фон Вайцзеккер Ғарбий Германиядаги Ард телепрограммаси мухбири билан суҳбатда совет раҳбари Боннда шодхуррамлик билан қабул қилинганлиги ГФРнинг Ғарбдаги иттифоқчиларининг ГФР сиёсатига ишончига гўё путур етказади, деган гапларни рад этди.

Республика ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер Риас радиостанцияси орқали сўзлаган нутқида Қўшма ахборотни иккала давлат ўртасидаги муносабатлар ривожидаги муҳим босқич деб атади.

Немис экономикаси Шарқ комитетининг раиси Отто Вольф фон Амеронген телевидение мухбири билан суҳбатда Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмоннинг Кельндаги савдо-саноат палатасида сўзлаган нутқидан ғоят мамнун бўлганлигини айтди. М. С. Горбачев икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир аниқ-равшан таклифлар билан ГФР саноатчиларига мурожаат қилди, деди у ва СССРнинг Ғарб бозорига етказиб бераётган маҳсулотлари хилининг кўпайтирилиши ҳамда сифатининг яхшиланиши иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришнинг асосий шартларидан бири эканлигини таъкидлади.

ВАШИНГТОН

АҚШ давлат департаментининг вакили М. Татуайлер навбатдаги брифингда М. С. Горбачевнинг Бонндаги «Редут» қабуллар уйида ўзи шарафига берилган зиёфатда сўзлаган нутқини шарҳлаб, баёнотни ўқиб эшиттирди. Баёнотда бундай дейилади:

«Президент Горбачевнинг оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги битимга тезроқ эришишга НАТО даъватига ижобий жавоб берганлиги бизни руҳлантирмоқда. Бу ижобий жавоб, агар совет томони президент Ж. Буш таклифида белгиланган муддатларга эришишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр бўлса, у ҳолда зарур бўладиган амалий ёндашувда мужассамлашади, деб умид қиламиз».

Шу билан бир вақтда брифингда «М. С. Горбачевнинг тактик ядро қуролларига доир музокаралар бошлашга даъватига давлат департаментининг муносабати» тўғрисидаги саволга: «У Брюсселдаги позициямиздан фарқ қилмайди... Мазкур масалада бизнинг позициямиз ўзгаргани йўқ», деб жавоб қилинди.

ПРАГА

«М. С. Горбачев билан Г. Коль имзолаган Қўшма баёнот — эшиклари ва деразалари очиқ бўладиган «Умумевропа хонадони»ни барпо этиш планидир, деб ёзди «Руде право» газетаси. Ана шу хонадоннинг пойдевори ишончли ва баб-баравар хавфсизликдир, бундай ишонч ва хавфсизликни фақат ўзаро аҳиллик, ишонч, кенг ҳамкорлик, қуролсизланиш соҳасидаги конкрет қадамлар билан таъминлаш мумкин, деб ёзади ЧКП Марказий Комитетининг органи.

(ТАСС).

• Экология: ҳозир ва келажак

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Любовь Егоровна Горбуличева ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида Ғазалкент шаҳрида ёш авлодга таълим-тарбия бериб, топган бойлиги — шогирдлари ардоғи ва эл меҳри бўлди. Ўзбек синфларига мукаммаллаштирилган рус тили ва адабиётидан дарс бераётган Любовь Егоровна билан Комаров номли 3-ўрта мактаб коллективи ҳам фахрланади.

Бўстонлиқда экология тарафдорлари билан завод қурилиши ташаббускорлари орасида қизғин тортишувлар борарди. Республика раҳбарлари одилона йўл тутиб, масалани Бўстонлиқ райони аҳолисининг ўзи ҳал қилсин, деган тўхтамга келдилар. Кўпчилик қатори Комаров номли 3-ўрта мактаб коллективи ҳам шу муаммо муҳокамасига тўпланди. Любовь Егоровна ҳам бетараф қололмади. Сўз сўради.

— Бўстонлиқ райони табиатида йил сайин бузилишлар содир бўляпти, — деди муаллима, чеҳраси жиддийлашиб. — Чирчиқ шаҳридаги капролактам цехи ишга тушгандан сўнг аҳвол, айниқса оғирлашди: заҳарли ёмғирлар экинларимиз, боғ ва полизларимизни қовуриб ташлаяпти. Бўстонлиқнинг олдинги ширин-шакар мевалари, узумлари, сабзавотлари қани? Завод қургандан кўра, теварак-атрофни заҳарлаб ётган корхоналарни модернизациялаш, зарарсизлантиришни ўйлаш керак! Аҳволнинг шу алфозда давом этишига йўл қўйиб бўлмайди. Бундан буён ҳар қарич ер, ҳар нафас ҳаво, ҳар қултум сув ифлосланиши учун эмас, тозаланиши учун курашайлик!

Районда салкам эллик миллат вакиллари яшайди. Шу сўлим гўшани ўз уйим, Ватаним деганнинг ҳаммаси она-табиат муҳофазаси тарафдори. Бўстонлиқ халқининг фикри ҳам, талаби ҳам битта: атроф-муҳит ифлосланишига бундан буён йўл қўйиш мумкин эмас! Унинг ҳавоси, суви, Чирчиқ, Тошкент, қолаверса, бутун республикамиз халқи учун ҳаётий зарурат.

Давр тақозоси билан Чирчиқ дарёси соҳили бўйлаб бир пайтлар ҳуда-беҳуда қуриб ташланган катта-катта заводлар эндиликда табиатга таъсир қила бошлади. Турғунлик йиллари айрим раҳбарлар заводларни ёшартириш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш каби долзарб вазифаларни ўйлаб кўрмадилар. Лоақал бундан буён йўл қўйилган хатоларни тузатишга киришиш лозим эди. Афсуски, айрим саноат ишбошилари кутилмаганда янги фаолият бошлаб юбордилар. Атроф-муҳит заҳарланаётгани уларни заррача ташвишга солмади. Аммо «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози экинзорларини вайрон қилиш эвазига неча миллионларни елга совурган завод қурувчилари экология тарафдорларининг ҳақли талаби билан Бўстонлиқ бағридан оёқ тортишга мажбур бўлдилар. Район партия конференциясида ҳам бу муҳим ҳаётий масалага алоҳида эътибор берилди.

Бўстонлиқ халқи табиат муҳофазасига тегишли гапларга ишонди, руҳланди. Бироқ айрим саноатчилар шу ишонч-эътиқодга путур етказиши мумкин бўлган қалтис ҳаракатлардан ўзларини ҳамон тия олмаяптилар. Чирчиқ шаҳрининг «Узбекхиммаш» заводи турғунлик йиллари чиқарилган қарорни рўкач қилиб, Бўстонлиқ бағрида улкан корхона қуриш учун миллион-миллион маблағларни сарфлаб юборди. Пиллачилик совхози ва ўрмон хўжалигига қарашли бу 52 гектар майдондаги ёш ниҳоллар, гуркираган боғлар кесилди. Ўрнига кичик бир филиал тикланармиш деган, ёлғон гаплар тарқатилди. Корхона барпо этилаётган майдон гўё Чирчиқ шаҳри территориясига қарашли эмиш.

Бўстонлиқни республика меҳнаткашларининг оромгоҳига, миллий боққа айлантириш ҳақида ҳамма жойда гапирилди, матбуотда ёзилди. Бироқ бугунги кунда унинг табиати танг аҳволда. Территорияда юзлаб дам олиш ва даволаниш муассасалари мавжуд, аммо уларнинг биронтасида гигиена талабларига мос канализация йўқ. Пионер лагерлари, санаторий, дам олиш уйлари теварак-атрофларидан ташқари оқин сувларни ҳам булғатиб ётибди. Ифлосликларга тўйиниб олган сув эса тўппа-тўғри Чирчиқ дарёсига қуйилмоқда! Бу ҳам етмагандек экология зарарига ишлаётган ўша муассасаларнинг барчаси шартномада белгиланган қонун-қоидага мутлақо риоя қилишмайди: истаганларича ер майдонини эгаллаб олишган, дарахтларни аёвсиз кесишяпти, кўнгли тусаган жойга турли қурилишларни қалаштириб ташлашяпти. Район раҳбарлари билан жумбоқли масалалар хусусида ҳисоблашаётгани йўқ: «ерни сотиб олдикми, демак эгаси ҳам ўзимиз» деб ҳис қилишяпти.

Яна бир муаммо. Районга ҳар йили бошқа областлардан тоғлар оша ҳайдаб ёки вагонларга ортиб келинаётган неча ўн минглаб қўй ва эчки подалари энг манзарали қир-адирларни тақир қилиб қўйяпти. Ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламига зарар етказмоқда. Қайта қуриш ва ошкоралик ўзининг авж палласига кирган ҳозирги даврда маҳаллий раҳбарлар эскича тартиб — қоидаларни қайта кўриб чиқишга нега шошилмаяптилар?

А. АСИЛОВ.

ДЎСТ БОШГА ИШ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

Самарқанддаги Садриддин Айний номли маҳаллада яшовчи бу оилани кўпчилик билади.

Оила бошлиғи, 93 яшар Норчучук ая Лутфуллаева Чернобилда даҳшатли воқеа рўй берганини эшитганида дарҳол бир ойлик пенсиясини жабр кўрганларга ёрдам фондига жўнатди. Ана шу ҳиммати учун унга СССР давлат банки правлениеси номидан миннатдорчилик мактуби юборилган эди.

Бошқирдистонда фалокат рўй берганидан хабар топган Лутфуллаевлар оиласи яна ҳиммат кўрсатди. Норчучук аянинг ўғли Малик ва хотини Офият отпускага чиқишмоқчи бўлиб турганди, аммо сафарга бормай қўя қоламиз, дейишди. Дам олиш учун тўплаб қўйилган 600 сўм пулни Челябинск — Уфа темир йўл участкасида рўй берган фалокат вақтида азият чекканларга ёрдам фондига ўтказишди. Норчучук аянинг невараларидан студент Нодира ва болалар боғчаси мураббияси Гулнора ҳам йиғиб қўйган пулларини ўртага қўйишди.

Лутфуллаевлар оиласи жами 717 сўм тўплади ва бу пулни СССР давлат банкининг Самарқанд бўлимига топширди.

(ЎзТАГ).

.ФАРҒОНАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР.

НОН-ТУЗ ҲУРМАТИ

Беш ёшимда Ўзбекистонга келиб қолганман. Ўзбек халқининг бизга ўз гўшаларидан жой бўшатиб беришгани, бир бурда нон-насибаларини биз билан баҳам кўришгани ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин орамиздаги самимий муносабат, меҳр-оқибат ва бошқа инсоний фазилатлар мустаҳкамланса мустаҳкамланди-ю, пасаймади. Ўзим шу давр мобайнида пахта илмини ўргандим. Номимни республика, Иттифоққа танитганлар ҳам шулар — қардошларим — ўзбеклар, ҳалол меҳнатим. Мен ва бошқа месхети турклари Ўзбекистондан миннатдордирлар, дейишга ҳақлиман. Негаки бу диёр, унинг халқи, ери, суви, қуёшини ёқтириб қолгандик. Негаки, бу юртда тинч, фаровон, дастурхонимиз тўкин яшадик. Негаки, икки миллат бир-бири билан қуда-анда, ака-ука, опа-сингилдек аҳил оилани ташкил этади.

Колхозимизда ўзбек, рус, турк, тожик, қозоқ, корейс сингари миллат вакиллари бир мақсадга бирлашиб меҳнат қилишади. Тўйларимиз шулар билан файзли, дардимиз шулар туфайли енгил, хонадонимиз шулар иштирокида чароғон. Шу боис планларимиз ошириб бажарилади. Даромад ҳам шунга яраша. Ўтган йили социал-маиший соҳада қатор қурилишлар амалга оширилди. Фақат биргина мактабнинг ўзига салкам бир миллион сўмлик маблағ сарфланди. Айни пайтда яна бир замонавий мактаб, 260 ўринли болалар боғчаси ва бошқа объектлар қурилмоқда. Булар аҳиллик нишонаси эмасми, ахир! Ёки бошқа бир мисол. Баҳордаги табиий офатдан хабарингиз бор. Тутзорлар хазон бўлди. Шунинг учун жойларда пилла планлари қисқартирилди. Бизнинг хўжалигимизда эса план дахлсиз қолди. Шундай бўлса-да, 16 минг 200 килограмм ўрнига 18 тонна пиллани давлатга сотдик. Бу — топшириқ 120 процентга бажарилди, демакдир. Т. Хўжамова, Т. Эгамбердиева (ўзбеклар), В. Мирсолова, Ж. Восипова (турклар) сингари илғор пиллакорлар хирмонга муносиб улуш қўшдилар.

Мен етакчилик қилаётган бригада аъзолари эса колхозда биринчи бўлиб пилла топшириш планини бажарди. Ҳозирги пайтда ғўзага ишлов беришда ҳам уюшқоқлик ўз самарасини кўрсатаётир. 72 гектар майдондаги чигит бузиб, қайта экилган бўлса-да, қўшимча ўғит, ишловдан кейин баравж ривожланмоқда. Шавкат Мусаев, Ҳужжат Гулаҳмедов каби сувчилар, Асия Мусаева, Дилором Ҳошимова сингари колхозчилар экин парваришида ўрнак кўрсатишмоқда. Ниятимиз — бу йил ҳам пахтадан юқори ҳосил кўтариш.

Буларнинг ҳаммаси бир неча миллат аъзосининг баҳамжиҳат, тотувликда яшаб, меҳнат қилаётгани белгиси эмасми? Ҳа, шундай. Бироқ яқинда Фарғонада юз берган фожиа бизларни ларзага келтирди. Қон тўкилиши, айниқса биз — оналарнинг изтиробини оширди. Менимча, мана шу мудҳиш воқеани келтириб чиқарган ҳар бир безори қаттиқ жазога тортилиши керак.

Меҳнат Қаҳрамони эмасманми, ҳар куни қўшни районлардан юртдошларим мени йўқлаб, маслаҳат сўраб келишмоқда. Мен уларга республика партия-ҳукумати раҳбарлари, таниқли кишилари фикрлари, кўраётган шошилинч чоралари ҳақида гапириб беряпман. Тез орада тартиб ўрнатилиши, бу жароённи бартараф этишга биз ўзимиз ҳам меҳнатимиз билан ҳисса қўшишимиз мумкинлиги ва энг муҳими, бу фожиага узоқ вақтдан буён оға-инидек, елкама-елка меҳнат қилиб келаётган ўзбек халқи ва месхети турклари ўртасидаги келишмовчилик, деб қарамаслик кераклиги тўғрисида маслаҳат беряпман. Юртдошларим менга ишонишларига шубҳам йўқ.

Юртдошларимдан бири: «Сенга ўқ отишса нима қилардинг», деб сўраб қолди. Бу саволга: «Менга ўқ отганга нон узатардим» деб жавоб бердим. Бунинг маъносини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Саодат ГУЛАҲМЕДОВА,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БАХТЛИХОННИНГ ИНШОСИ

✦ 3 июнь куни Марғилонда бир гуруҳ бузғунчи оломон тартибсизликлар бошлади. Уйларга ўт қўйилди. Шу дақиқаларда Фарғона шаҳридаги 25-ўрта мактабнинг 10-«А» синф ўқувчилари битириш имтиҳонларида ўзбек адабиётидан иншо ёзишаётган эди. Шу синфнинг энг аълочи ўқувчиси, «Олтин медаль» даъвогари Бахтлихон Коладзиева иншо учун эркин темани — дўстлик мавзусини танлади. Фарғона областидаги тўполонлар босилгач, «Коммуна» газетасининг бўлим мудири Абдуназар Худойназаров ва 25-ўрта мактабнинг тил-адабиёт фани ўқитувчиси Саодатхон Расулова бу иншони матбуотда таҳрирсиз эълон қилишди. Қуйида шу иншони ўқийсиз:

> **«Биз ўзбек тупроғида яшаб, ўзбек халқининг тузини тотяпмиз. Унинг урф-одатларини, тилини эъзозлашимиз, ўрганишимиз керак».**
>
> **Мақсуд ШАЙХЗОДА.**

Иншо темалари ичида мени кўпдан бери ўйлантириб келаётган мавзу ҳам борлигидан қувониб кетдим. Иншо баҳона кимга айтишимни билмай юрган гапларимни айтиб олмоқчиман.

Миллий масала, бугунги куннинг энг актуал масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда тўхталишдан олдин тилнинг ўзи нима эканлиги ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. «Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир», деган эди доҳиймиз В. И. Ленин. Биз тил орқали ўзаро муносабатда бўламиз. У алоқа воситаларининг ичида энг муҳимидир.

Тилни қанчалик пухта билсак, кишилар қалбига шунчалик чуқурроқ кириб борамиз. Афсуски, турғунлик йилларида бу масалага чуқур эътибор берилмади. Натижада 100 дан ортиқ миллат вакиллари яшайдиган мамлакатимизда миллий масалалар ўта кескинлашиб кетди. Баъзилари бугунги кунда турли миллат вакиллари ўртасида бўлиб ўтаётган айрим келишмовчиликларни ошкораликдан кўришмоқда. Менимча, бунинг сабаблари турғунлик йилларига бориб тақалади. Чунки у йилларда рус тилининг роли ҳақида жуда кўп гапирилгани ҳолда бошқа тилларнинг ривожига шарт-шароит яратиб берилмади. Айрим миллат вакиллари очиқдан-очиқ камситилган, унутилган ҳоллар ҳам бўлди. Менимча дунёдаги халқларни, миллатларни, элатларни яхши ва ёмонга ажратиш мумкин эмас. Бу дунёда ёмон халқ, ёмон миллат йўқ. Ҳар қандай миллат ичида яхши ва ёмон одамлар бор, холос. Яхшиямки, партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда миллий масалаларга жиддий эътибор бера бошлади. Бугунги кунда ҳар қандай миллат учун ўз тилини пухта ўрганишга, урф-одатларини қайтадан тиклашга имкониятлар яратилмоқда. Яхшиямки, ҳаётнинг гўзаллиги ранг-барангликда эканлигини тушуниб етдик.

Бугунги кунда бошқа тилни яхши билиш учун ўз она тилини пухта ўрганиш, уни эъзозлаш лозимлиги жуда кўп таъкидланмоқда. Бу ҳақда мен шоир Шерали Лойиқнинг қуйидаги сатрларини эсладим:

Мансабинг унутсанг,
Майлига унут.
Мартабанг унутсанг,
Майлига унут.
Агарда унутсанг она
тилингни,
Заҳарга айлансин онанг
берган сут.

Икки миллат вакили бир-бирининг тилини билмаса, дилини ҳам билмайди. Натижада ўзаро келишмовчиликлар юзага келиши мумкин. Киши қанча кўп тил билса, шунча яхши. Бу ўзаро тушунмовчиликларга ҳам барҳам беради.

Қайта қуриш ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кирди. Энг муҳими, ўз фикримизни ошкора айтиш, тилимиз, тарихимиз учун жон куйдириш имкониятига эга бўлдик. Республикамизнинг жуда кўп шаҳарларида тил ўрганишни истовчи кишилар учун алоҳида тўгараклар очилмоқда. Бу тўгаракларда ўзбек, рус, тожик, араб, немис, француз ва бошқа тиллар ўргатилмоқда. Айниқса ўзбек тилини ўрганишни истовчи бошқа миллат вакиллари учун катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Менинг ўзим ҳам Ўзбекистонда туғилиб ўсган бошқа миллат вакилларидан бириман. Турк қизи бўлишимга қарамай, ўзбек тилини болалигимдан қунт билан ўргандим. Ўзбек тили менинг иккинчи она тилим бўлиб қолди. Тил билганлигимдан мен ўзбек мактабида ўқиш имкониятига эга бўлдим. Мактабни «аъло» баҳолар билан битириш арафасида ўзбек тилида тил ҳақида иншо ёзаётганлигимдан жуда бахтиёрман. Мен ўзбек тилини ўргатган бобою момоларим, ош-нон берган ўзбек дўстларимиз, айниқса устозларимдан беҳад миннатдорман. Иншонинг эпиграфида келтирилган устоз шоир Мақсуд Шайхзоданинг сўзлари менинг ҳам қалб сўзларимдир.

Бу Бахтлихоннинг иншоси. Бизнингча, бу иншо музейлар экспонатидан жой олади. Чунки у месхети турклари қалбида ўзбекларга нисбатан ҳеч қачон ғараз бўлмаганлигининг ёрқин ифодасидир. Афсуски, Фарғона халқи бошига тушган мусибат Бахтлихонни ҳам четлаб ўтмади. У ўз иншосининг тақдирини билмайди. Бироқ сен қаерда бўлмагин, албатта бахтли бўласан Бахтлихон? Сенинг мурғак қалбинг қаъридан соф шалоладай отилиб чиққан, ўзингдек покиза туйғуларинг мужассам иншоинг устига ўқитувчиларинг қалами тегмади. Минг афсуски, сен битган саҳифалар устига уларнинг кўз ёшлари томди... Фарғона шаҳри мактабларида 60 дан ортиқ турк болалари аттестат ва гувоҳномалар олишга тайёр эдилар. Улар ҳам бошқа тенгдошлари қатори мактаб билан хайрлашув кечасини иштиёқ, орзиқиш билан кутаётган эдилар. Минг афсуски, гувоҳномалар уларга қочоқлар лагерида топширилди. Не-не ёш кўнгилларда аламли из қолдирди бу...

Лекин сенинг кўнглингда ўзбек халқига бўлган ҳурмат-эҳтиром ҳеч қачон сўнмаслигига аминмиз, Бахтлихон! Чунки бир гуруҳ тўполончилар ўзбек халқи дегани эмас. Биз қондош, жондошлармиз. Вақти келганда бир бурда нонни бўлиб еган бир уруғ фарзандларимиз. Буни ҳеч қачон на турклар ва на ўзбеклар ёддан чиқармайдилар. Бахтлихон, сен ҳам, халқинг ҳам бахтиёрлар даврасида тенг ҳуқуқлидирлар. Бу ҳуқуқни сизлардан ҳеч ким тортиб ололмайди.

А. ИБОДИНОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РОССИЯ КУЛФАТДА ҚОЛДИРМАЙДИ

Фарғонадаги фожиали воқеалар муносабати билан бошига кулфат тушган месхети туркларини РСФСРнинг бир қанча марказий областларига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди. ТАСС мухбирларининг қуйидаги хабарларида уларни кутиб олиш ва жойлаштириш қандай ташкил этилгани ҳақида ҳикоя қилинади.

БЕЛГОРОД. Ҳозирги кунгача областга 2839 месхети турклари келишди. Ҳаммаси бўлиб 4 мингдан ортиқ одам келади деб мўлжалланмоқда. Қочоқларни биринчи бўлиб Короча, Новий Оскол, Прохоровка, Красногвардейское Борисовка районлари қишлоқларида кутиб олдилар.

Халқ депутатлари Советлари ҳамма ерда янги келган кишиларнинг овқатланишига оид масалаларни ҳал этмоқдалар, уларни энг зарур нарсалар билан таъминламоқдалар. Бунинг учун районларда мунтазам кўчма автолавкалар ишламоқда.

КАЛИНИН. Москвадан автобуслар колоннаси бу ерга Фарғона областидан келган юздан ортиқ оилани олиб келди. Зубцов, Ржев, Оленино районларининг меҳнаткашлари уларни очиқ юз, раҳм-шафқат билан кутиб олдилар.

— Ҳозир яна 500 га яқин оилани қабул қилиш масаласи ҳал бўлмоқда, — деди область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Морев. — Биз бошпанасиз қолган одамларга уй-жой бериш учун ҳамма ишларни қиламиз. Меҳнат коллективлари билан келишиб олиб, бу ерга келган одамларни вақтинчалик жойлаштириш учун корхоналарнинг бир қанча пансионатлари, профилакторийлари ва дам олиш базалари бўшатилди. Қишлоқларда бўш ётган уйлар ҳам кўчиб келганлар ихтиёрига берилмоқда. Барча кишиларга дори-дармон, кийим-кечак билан зарур ёрдам кўрсатилади. Уларни ишга жойлаштирамиз, овқатлантирамиз.

ОРЁЛ. Сўнгги икки кун ичида 1875 месхети турклари келишди. Шулардан учдан бири болалардир. Ҳозирча кўчиб келган кишилар тўртта районда жойлашмоқдалар. Область ижроия комитети ҳузурида тузилган махсус штаб барча ишларни мувофиқлаштириб турибди. Штабда совет, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бор. Мценск районининг раҳбарлари нари борса бир кунда одамларни кутиб олишга шай бўлдилар. Ҳозирча оилалар асосан клубларга, мактабларга, бўш турган уйларга жойлаштирилмоқда. Айрим хўжаликларда бошига кулфат тушган одамларга янги уйлар берилди. Черемошни экспериментал посёлкаси қурилаётган Свердловск номли колхоз раҳбарлари шундай қилишди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг қарори билан кўчиб келаётганлар учун уй-жой қуришга қурилиш материаллари ажратилмоқда. Иттифоқ фондидан Орёл области учун йиғма уйлар, цемент ажратилди.

(ТАСС).

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда 500 дан ортиқ турк миллатига мансуб аҳоли яшайди.

СУРАТДА: турк миллатига мансуб ветеранлар. А. ЗУФАРОВ сурати.

Бугун Фарғона кўчаларида. Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНИШИ МУҚАРРАР

Яқинда бўлиб ўтган фожиали воқеалардан Фарғона областидаги юз минглаб кишиларнинг кўнгли ғаш. Мамлакатнинг ҳар томонидан область марказига қўнғироқ қилишмоқда. Одамлар: «Тергов қандай бормоқда, қотиллик, ўт қўйиш, талончиликда айбдор кишилар топилдими!» — деб сўрамоқдалар. Аниқ-равшан ахборотнинг йўқлиги зиддиятли миш-мишларни келтириб чиқармоқда. Кўп одамлар безорилар орасидан тасодифий кишиларгина қўлга олинган, тартибсизликни бошлаб берган кишилар озодликда юрибди, дейишмоқда. ТАСС мухбирларининг илтимосига мувофиқ, СССР Ички ишлар министрлиги бош жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант В. К. Панкин жиноятчиларни тергов қилиш қандай бораётгани ҳақида сўзлаб берди.

— Газета хабарларига, Фарғоналиклар билан суҳбатларга қараб милиция органлари бироз довдираб, ҳатто дастлабки соатлар нима қилишни билмай қолгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Маҳаллий милициянинг ҳаракатларига сиз қандай баҳо берардингиз?

— Бу саволга бир хил жавоб қайтариш қийин. Чунки, биринчидан, бизнинг практикамизда бундай вазият бўлмаган. Бундай ғайритабиий вазият милициянинг кўпгина ходимлари мураккаб шароитда ҳаракат қилишга тайёр эмаслигини кўрсатди.

Иккинчидан, шуни айтиш керакки, ҳозирги вақтда фақат мардлик ва қатъият кўрсатибгина қолмай, энг сўнгги чораларни ҳам кўриш лозим бўлган бундай ҳолларда ички ишлар органлари ҳаракатларининг зарур ҳуқуқий нормалари бизда умуман йўқ.

Ҳозир алоҳида ҳолат юз берганлигини таъкидлашга мажбурман, милиция бирор ҳимоя воситасини қўлланишдан чўчимоқда. Ҳолбуки, бундай вазиятда наша ва спиртли ичимликлар истеъмол қилган ва ўн беш-йигирма милиция ходими устига бостириб келаётган 3-5 минг кишилик оломонни тўхтатиб қолишнинг бошқа йўли йўқ, албатта.

Ана шундай ҳолат: шахсий составнинг профессионал жиҳатдан тайёр эмаслиги, кам сонлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинмаганлиги милиция ўзини йўқотиб қўйди, деган фикрни келтириб чиқарди. Лекин айрим ҳолларга қарамай, милиция ўзини муносиб тутганлиги ҳозироқ кўриниб турибди. Ички ишлар министрлигининг ходимлари безориларга мардлик, матонат билан зарба берганликлари ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Тошлоқда худди шундай бўлди, Қўқонда ҳам, Яйпанда ҳам шундай бўлди...

Милиция ходимлари қуролни ишга солишга мажбур бўлганларида ҳам уларнинг инсонпарварлик билан, вазминлик билан иш тутганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу муҳим аҳамиятга эга бўлди, оломонни ўйлашга мажбур қилиб қўйди, жиноятчи жазосиз қолмаслигини ҳис этишга олиб келди.

— Жиноятларни тергов қилиш қандай бормоқда?

— Областда 200 кишидан иборат катта оператив-тергов группаси ишлаяпти, уларнинг орасида мамлакатнинг турли шаҳарларидан келган криминалистлар, терговчилар, экспертлар бор. Уларнинг ҳаммаси «танг жойларда» — Озарбайжонда, Арманистонда мактабдан ўтган тажрибали ходимлардир... Тергов миқёсида биринчи марта видео ва компьютер техникасидан фойдаланилмоқда. Бу эса далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш босқичини анча қисқартди. Шу туфайли бир неча кун ичида катта ҳажмдаги қидирув ишларини бажаришга муваффақ бўлдик.

Тартибсизликларда фаол қатнашган юзлаб кишилар ҳақида маълумот тўпланди. Қотиллик қилишда шубҳа остига олинган ўнлаб кишилар қамоққа олинди, жумладан, етти марта қотиллик қилган ва ўнта уйдаги буюмларни талаб кетган беш кишилик группа қамоққа олинди. Тошлоқ посёлкасида яшовчи К. бошчилик қилган 12 кишидан иборат жиноятчилар группаси фош этилди, бу группа бир оилани ўлдирган, олти марта гражданларнинг уйини талаган ва ўт қўйган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳар хил қуролларни қидирмоқда ва тортиб олмоқда. Чунончи, 7 июнда Қўқондаги оммавий тартибсизлик вақтида безорилар тўдаси шаҳар ички ишлар бўлими участка инспектори, милиция катта лейтенанти Р. Сувонқуловни ваҳшийларча калтаклади. Жиноятчилар унинг тўппончасини ўғирладилар. Ўтказилган оператив-қидирув тадбирлари натижасида ана шу хуружнинг бевосита қатнашчиси — Катта Қашқар қишлоғида яшовчи 20 яшар Х. Абдураҳмонов эканлиги аниқланди. У қамоққа олинди.

Тергов чоғида Абдураҳмонов мотоциклни олиб қочгани ва унда бир болани босиб кетганлиги фош этилди. Ўғирланган пистолет, ўқлар ва мотоцикл тортиб олинди. Абдураҳмоновнинг жиноий фаолиятига доир бошқа фактларни аниқлаш юзасидан тергов ўтказилмоқда.

Тошлоқ район ички ишлар бўлимининг маъмурий биносига қилинган ҳужумнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари ҳам қамоққа олинди, улар яқин орада халқ суди олдида жавоб берадилар.

Ҳозир қўлимизда воқеа қатнашчиларининг анчагина тўлиқ фототекаси бор. Терговнинг мана шу босқичида ҳаммаси бўлиб 11 та қотиллик фош этилди.

Жиноятларни фош қилишда прокуратура, Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари фаол қатнашмоқдалар, аҳоли катта ёрдам бермоқда.

— Тартибсизликларда қатнашганлар тўғрисида гапириб бера олмайсизми?

— Улар асосан ёши 30 га бормаган кишилар, аммо ўсмирлар ҳам бор.

Безорилар тўдасини баъзи бировлар тасаввур этгандек қиёфасиз оломон деб атаб бўлмайди. Ваҳшийликда қатнашганлар орасида ички ишлар органларининг ўз обрўсини тўккан собиқ ходимлари ҳам бор. Улар бизнинг иш усулларимизни билишади, албатта, бу эса тергов чоғида қўшимча қийинчилик туғдиради. Воқеаларнинг фаол иштирокчилари орасида зиёлиларнинг вакиллари ҳам оз эмас. Уларнинг кўплари норасмий «Бирлик» ташкилотининг фаол аъзолари эканликларини яширмаётирлар.

Биз воқеалар қизғин тус олган жойларга норасмий ташкилот аъзолари келганлигини қайд этдик, улар ёшларни тўхтатишга уринмаганликлари бизга маълум. Аксинча, «Бирлик» вакиллари тартиб ўрнатиш чоғида гўё шафқатсиз чора кўрилгани ҳақида бизга эътироз билдирдилар. Норасмий ташкилот вакиллари талончиликни миллий бирлик учун митинг деб кўрсатишга уринмоқдалар. Ана шу намойишларнинг аянчли натижалари ҳаммага маълум.

Безорилик ҳаракатларида қатнашганлик учун ёшларга 50, 100 сўмдан ва ундан ҳам кўпроқ пул берилгани тўғрисида қўлимизда оператив маълумотлар бор. Бошқа фактлар тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунончи, безорилар уйларга ўт қўйиш ва талончилик олдидан наркотик моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмол қилганлар, бундай моддалар жуда қиммат туради.

— Вячеслав Кириллович, сизнингча безори тўдалар нима учун месхети туркларига қарши ҳаракат қилишди? Ахир, уларнинг турк аҳоли билан ўхшаш жиҳатлари кўп. Дини ҳам бир, бундан ташқари ҳар бир месхети турки ўзбек тилини жуда яхши билади.

— Менинг назаримда, месхети турклари безорилик ташкилотчилари учун бир баҳона бўлди. Тергов ҳали узил-кесил хулоса чиқаради, аммо ҳозир шу нарса равшанки, безориларнинг режалари катта эди. Афсуски, бу режаларнинг кўпи амалга ошди. Аҳоли кўпчилигининг лоқайдлик билан аралашмай қараб туриши ҳам бунда маълум роль ўйнаганлигини айтмаслик мумкин эмас. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам, партия ва совет органлари ҳам ўзларининг яхши жиҳатларини намойиш қила олмаганликларини айтмоқчиман. Буларнинг ҳаммаси жанжалкашлар, тартибсизликларнинг ташкилотчилари ишончини оширди, улар миллий манфаатлар шиорларини ниқоб қилиб олган эдилар, ҳолбуки уларнинг ҳақиқий шиорлари бундай эди: «туркларни бўғамиз, Ленин авлодини — русларни бўғамиз. Яшасин ислом туғи, мусулмон дини ва Оятулло Ҳумайни!». Ёки бошқа бир мисолни олайлик: Қўқондаги тартибсизликларда безорилар жамиятни қайта қуришга доир шиорларни ниқоб қилиб чиқдилар.

— Сиз қандай фикрдасиз, Фарғона областидаги тартибсизликлар ўз-ўзидан юз берган ғайритабиий вазиятми ёки яхши режалаштирилган воқеами?

— Фожиали воқеалар анчагина пухта ташкил этилган ва режалаштирилган, деб тахмин қилиш учун асослар бор. Жойлар олдиндан текшириб чиқилган — фақат месхети туркларининг уйларига ўт қўйилди. Ҳужум қилувчилар хуруж йўлларини ва қайтиш йўлларини ҳам пухта ўрганишган, жуда кўп автотранспортлардан фойдаланишган. Жанжалкашларга тўхтовсиз равишда тошлар ва ёнувчи аралашма солинган шишалар келтириб турилгани ҳақида маълумотлар бор. Менимча, воқеаларнинг ўз-ўзидан келиб чиққани ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Терговни қисқа муддатларда ўтказиш учун ҳамма чоралар кўрилади. Бунинг учун бизда куч, техника, восита, иш тажрибаси бор ва барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари баҳамжиҳат ҳаракат қилмоқда. Буни биз ўз хизмат бурчимиз ва партиявий бурчимиз деб биламиз. Айбдорлар, шубҳасиз, қонунга мувофиқ жазоланадилар. Жиноятчининг жазоланиши муқаррардир.

Фарғона,
(ТАСС мухбири).

ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ ОЧИЛСИН

ЎзТАГ МАХСУС МУХБИРИ 15 ИЮНДА ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН ХАБАР ҚИЛДИ:

Фарғона областининг шаҳар ва қишлоқларида кундузи қуролли солдатлар деярли кўринмайди. Бу кескинлик пасаяётганлигининг реал белгисидир. Аммо вазиятни тўла соғломлаштиришга, чинакам осойишталикка ҳали эришилгани йўқ. Шунга қарамай, саноат корхоналари ва муассасаларининг асосий кўпчилиги нормал маром билан ишламоқда, одамлар экинларни парвариш қилмоқдалар.

Тушлик танаффус, сменаларнинг алмашуви чоғида партия ва совет органларининг вакиллари билан биргаликда ички қўшинлар солдатлари, ҳарбий билим юртларининг курсантлари ишчилар ҳузурига келишмоқда. Қўқонда бундай учрашувлар химия заводида, ип йигириш, пайпоқ тўқиш бирлашмасида, ёғ-мой комбинатида бўлиб ўтди. Суҳбатлар комендантлик соати жорий этилишини тақозо қилган вазият тўғрисида бормоқда, миш-мишларга барҳам берилиб, осойишталик ва ишонч туғилишида одамларга ёрдам берилмоқда.

— Биз солдат ва офицерлардан учта идеология группаси туздик, — деди ички қўшинлар бўлинмасининг командири подполковник И. Гривка. — Одамларга ҳақиқатни айтиш керак. Биз ҳеч нарса жонли мулоқотнинг ўрнини босолмайди, деб ҳисоблаймиз.

Ҳаёт аста-секин изга тушмоқда. Аммо кечаги оператив маълумотда кўпгина воқеалар юз бергани кўрсатилган. Кеча Қувасой станцияси йўлида жўнаб кетаётган месхети турклари учун тўпланган болалар кийимлари солинган вагон ёниб кетди. Маҳаллий пахта пунктидаги ёнғиннинг олди олинди.

Безорилар ҳамон аҳволни беқарор қилишга, областнинг турли районларида кескин вазиятни вужудга келтиришга уринмоқдалар. Яна иккита мурда топилди, бу одамлар қонли воқеаларнинг дастлабки кунларида ҳалок бўлган, деб ҳисобланмоқда.

Лўнда маълумотда ярадор бўлганлар, неча жойга ўт қўйилгани, талончилик ҳоллари тўғрисида қуруқ рақамлар келтирилган. Бугунгача 7718 та совуқ қурол ва милтиқ тортиб олинган. Ёнувчи аралашма солинган 26 шиша топилган, безорилиги учун 656 киши ушланган, 14 та жиноий иш қўзғатилган.

Вазият ички қўшинлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тўла-тўкис назоратида турибди. Партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг депутатлари ҳозир фаол ишлашмоқда — улар маҳаллий аҳолига можаронинг моҳиятини очиб беришга, турли-туман миш-мишларни фош қилишга уринмоқдалар. Месхети туркларини ёмон отлиққа чиқариш учун тайёрланган сохта фотосуратлар ҳали ҳам қўлма-қўл юрибди.

Қочоқлар лагерида эса месхети турклари деярли қолмади. Кечанинг ўзида Россия Федерацияси марказий районларига 9466 киши жўнатилди. Кўчириб олиб кетилган кишиларнинг умумий сони 15536 тага етди.

Осойишталик тикланаётган ҳозирги пайтда оддий кишилар юз берган воқеалар нимадан келиб чиққанлигини таҳлил қилмоқдалар. Кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқяпти: тартибсизликлар олдиндан тайёрланган.

Фожианинг олдини ололмаган партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, давлат хавфсизлиги ходимларининг ҳаракатларига танқидий баҳо берилмоқда. Одамлар фавқулодда вазият юз берган вақтда масъул ходимлардан кимлар ўзини панага олганини, кимлар атайлаб бир четга чиқиб турганини, фожианинг олдини олишни истамаганлигини номма-ном билишни истайдилар. Ушланган кишиларни сўроқ қилаётган тергов органларидан жавоб кутмоқдалар. Содир этилган жиноят учун қаттиқ жазо берилиши муқаррар. Лекин ҳақиқатан ҳам айбдор бўлган, айби далиллар билан аниқ исботлаб берилган кишиларгина жазоланади.

СССР халқ депутатлари съездининг қарорига мувофиқ Фарғона областига юборилган халқ депутатларига (бу ерда уларнинг бутун бир группаси иш олиб бормоқда) воқеалар тўғрисидаги видеофильм кўрсатилди, улар Қўқонда, Марғилонда, Тошлоқда бўлдилар. Маҳаллаларда учрашувлар ўтказмоқдалар.

Журналистлар учун брифинг бўлиб ўтди. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бошлиғи генерал-полковник Ю. Шаталин, ички қўшинлар сиёсий бошқармаси вакиллари, тергов органлари ва прокуратура ходимлари оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтардилар.

...Бир неча кун муқаддам комендантлик соати бошланишидан анча олдин кеч соат 8 да Фарғона кўчаларида одам қолмайди, деб хабар берган эдик. Ҳозир аҳвол ўзгарди: одамлар ўз ишлари билан бамайлихотир шуғулланишмоқда.

АХБОРОТ

СИРДАРЁ

Болалар боғи

Чўлқуварлар шаҳарчаси Бўстонда социал-маданий муассасалар қурилишига аҳамият берилмоқда. Яқинда «Олтин Водий» маданият саройи фойдаланишга топширилганди. Кейин видеобар, дорихона қуриб битказилди. Уч гектарли майдонда эса болалар боғи барпо этилди.

Боғнинг яратилишида мактаб ўқувчилари, ота-оналар кўмаклашдилар. Дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш, спорт майдончаларини тартибга келтириш ҳашар йўли билан бажарилди. «Джзакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли 20-механизациялашган кўчма колоннанинг В. Тичков бошлиқ участкаси бунёдкорлари қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Болалар боғида турли кўнгилочар ўйинлардан ташқари ошхона, ёзги кинотеатр ва рақс майдончаларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Қардошлар ҳиммати

Областда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. 63-мактабда эса таълим-тарбия қозоқ тилида олиб борилмоқда. Турли миллат вакилларининг 150 дан зиёд ансамбллари тузилган. Қардош Қозоғистон ССР нашриётчилари эса область аҳолисига 35 сўмликдан зиёд китоб етказиб берди.

Қозоқ адабиётининг бир гуруҳ вакиллари Фориш, Мирзачўл, Оқолтин районлари меҳнаткашлари билан учрашдилар. Дала шийпонлари ва яйловларида уюштирилган гурунгларда «Жазуши» нашриётининг директори, ёзувчи Қалдарбек Найманбаев, «Балдирған» журнали редактори шоир Т. Мўлдағалиев, адиблардан Б. Бодайбоев, Ж. Эрмонов ва бошқалар икки халқнинг қадимий дўстлиги ва алоқалари ҳақида гапирдилар. Учрашувда мушоира қозоқ оқинларининг хонишларига уланиб кетди.

Чўлқуварларга қулайлик

Хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётган «Ният» илмий-техника ижодиёти маркази Гулистондаги бир қатор корхоналарда ва Ворошилов районида қисқа вақт ичида 50 минг сўмликка яқин хизмат кўрсатди.

Янги ижодий марказ буюртмаларни тез ва сифатли бажариш билан чўлқуварларни мамнун этмоқда. «Бустанводстрой» трестида ишга туширилган ремонт-механика устахонаси эса бир йўла 300 шартли ремонт хизмати кўрсатиш имкониятига эга. Ҳар иккала корхона кўрсатаётган хизматлар чўлқуварларга маъқул келмоқда.

Биринчи марта

Учқулоч геология-қидирув экспедицияси фаолиятида яна бир ўзгариш бўлди. Экспедиция илк марта пармалашни автоматлаштирилган усулда амалга оширишни йўлга қўйди.

Учқулочлик маъдан қидирувчилар республикада биринчи бўлиб қардош Украина ССРда қўлланилаётган янги ускунани ишлаб чиқаришга жорий этишди. Эркул Наҳалов бошлиқ 26-агрегат пармаловчиларига янгича ишлашда «Южукргеология»нинг В. Флянтиков бошчилигидаги бригада аъзолари яқиндан ёрдам бердилар. Яқин орада Учқулочдаги барча агрегатларда пармалаш автоматлаштирилади. Бу билан меҳнат унумдорлиги ортиб, тежамкорликка эришилади.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Болалар соғлиғини муҳофаза қилиш — «Совет Ўзбекистони» ва республика телевидениеси назоратида

ИСТИҚБОЛНИНГ БУГУНГИ ДАРДЛАРИ

Хоразм областида болалар муассасаларини кенгайтиришга эътибор бирмунча ошди. Сўнгги икки йил мобайнида қишлоқ жойларнинг ўзида боғчалар 24 тага кўпайди, шифохоналардаги ўринлар сони ошди. Айниқса, поликлиникалар қуриш, маъмурий биноларни шу мақсад учун фойдаланишга бўшатиб беришга алоҳида аҳамият берилди. Рейд давомида биз бу борада бир қатор жойларда ибратли ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Хива гилам комбинати раҳбарларининг кичкинтойларга астойдил ғамхўрлиги кишини мамнун қилади. Болалар боғчаси дид билан жиҳозланган, истаган машғулотни ўтказиш, болаларнинг соғлом ривожланиши учун яхши шарт-шароит яратилган. Ҳаттоки, болалар ўз қўғирчоқ театрларига эга, қизиқарли эртакларни уларнинг ўзлари саҳналаштиришади. Гурлан районидаги «Коммуна» колхозидаги боғчалар сони тез орада тўрттага етади. Яқинда бу ерда учинчи боғча иш бошлади. Бунинг учун хўжалик раҳбарлари правление биносини бўшатиб беришди. «Средазтранс»га қарашли боғчада 100 нафардан зиёд бола тонзиллит касаллигига чалинган эди. Физиотерапик ускуналар ўрнатилиб, даволаш ишлари йўлга қўйилди. Натижада қисқа вақтнинг ўзида касалликни икки бараварга камайтиришга эришилди.

Хоразмнинг экологик ҳалокатдаги зонага кириши барчага маълум. Ичиладиган сувнинг ниҳоятда шўрлиги, Орол денгизи томондан ёғилаётган тузлар боғ-роғлар, дов-дарахтларни қуритяпти, заминни ишдан чиқаряпти, одамларнинг турли хилдаги касалликларга чалинишига олиб келяпти. Табиийки, бундан болалар мустасно қолаётгани йўқ. Яқинда ўтказилган диспансеризация якунлари уларнинг 60 проценти касал эканлигини кўрсатди.

Бу ҳам унчалик чуқур ўрганилмаган факт. Чунки, диспансеризациялаш вақтида кичкинтойларнинг соғлиғи ҳақида мукаммал маълумот берувчи энг замонавий медицина ускуналаридан кам фойдаланилади. Лекин ана шу фактнинг ўзида киши қалбини пораловчи, келажакка ташвиш билан қаратувчи хулосалар мужассам. Энг ачинарлиси, фалокатнинг пайини қирқиш учун фаоллик кўрсатилмаяпти, турғунлик йилларига хос ишлар давом этяпти.

Янгибозор район марказий касалхонасидаги болалар бўлими жойлашган бинонинг фойдаланишга топширилганига тўрт йил бўлди. Ўша кездаёқ санитария тармоғи ишдан чиқди. Кейинчалик бинонинг айрим жойлари ёрилди, сувоқлар кўчиб туша бошлади. Ҳозир ремонтталаб бўлиб қолган мазкур бўлимда 30 киши ўрнига 60-70 бола «даволаняпти». Ушбу сўзни қўштирноқ ичида келтираётганлигимиз бежиз эмас. Чунки у ўз мазмунига хос келмайди.

— Бўлимимизда болаларнинг тўла шифо олишлари учун шароит йўқ, — дейди мудира У. Давлатова. — Ҳозир ҳар бир палатада олти нафар бола, оналари билан қўшиб ҳисоблаганда ўн икки киши ётибди. Каравотлар бўлса бир кишилик. Энг ёмон томони, оддий касаллар ҳам, юқумли дардга чалинганлари ҳам бир жойда. Шунинг учун енгил касал билан оғриб келган бола бу ерда оғирроқ дардни орттириши ҳеч гап эмас.

Гурлан районидаги болалар шифохонасининг аҳволи бундан ҳам ёмон. Лекин шарт-шароитнинг ночорлиги шифокорлар масъулиятини пасайтириш учун баҳона бўлолмайди. Биз бу ерда оддийгина санитария қоидаларига риоя қилинмаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Районда профилактика ишларининг йўлга қўйилиши эса талабга умуман жавоб бермайди.

Инсон болаликдан бошланади. Унинг ёшлигида танаввул қилган озиқ-овқат неъматлари наинки жисмоний, балки ақлий камолотини ҳам вужудга келтиради. Хоразм областида бу масалада қилинаётган ишлар кўнгилни тўлдирмайди. Болаларга берилаётган гўшт, сут маҳсулотлари медицина нормасидан жуда кам. Масалан, ўтган йили Ҳазорасп районидаги боғчаларда тарбияланаётган болаларга режадагига нисбатан 20,8 тонна гўшт, 157 тонна сут, 119 минг дона тухум кам берилди. Бундай ҳол ҳар йили такрорланаётганлигини ҳисобга олсак, районда болалар ўлими нима учун юқорилигини, улар турли хилдаги дардларга кўпроқ чалинаётганлигининг сабабларидан бирини англаш қийин бўлмайди. Ва шу ўринда райондаги сутли ошхоналар эҳтиёжи область матлубот жамияти томонидан атиги олти фоизга бажарилаётганлигига диққатни қаратсак, бу хулосамиз янада қатъийлашади. Шунингдек, даволаш муассасаларини ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти. Қўшкўпир районида картошка, полиз, гўшт ва сарёғ билан таъминлаш 24-55 процентни ташкил этяпти. Боғотлик болаларга апрель ойида бор-йўғи уч кун гўшт берилган, бошқа кунлари паст категориядаги товуқ гўшти олинган. Агар она ва бола сал оғирроқ дардга чалиниб, узоқроқ касалхонада даволанса, овқатларнинг каллорияси пастлигидан, бир хиллигидан камқонлик ва бошқа дардларни орттириши тайин. Аслида областда камқонлик дарди энг кўп тарқалган касалликлардан бири саналади. Мабодо бемор шундан халос бўламан, деб шифохонага келса, унинг ҳолини тасаввур этиш қийин эмас.

— Биз область халқ таълими бўлимига қарашли болалар муассасаларига хизмат кўрсатамиз, — дейди область матлубот жамияти озиқ-овқат бўлими бошлиғи Т. Ҳайитбоев. — Аммо улар учун юқоридан ажратилаётган фондларнинг амалдаги таъминоти қаноатлантирмайди. Айни пайтда болаларга гўшт, сут, сариёғ ажратиш 50-60 процент атрофида бўлиб қоляпти.

Областда болалар соғлиғини муҳофаза қилиш билан боғлиқ қай бир соҳага муросажаат қилмайлик, жиддий муаммо ва камчиликларга дуч келавердик. Маълумки, уларни кадрларнинг жонкуярлиги, ишчанлиги, маҳоратларисиз ҳал этиб бўлмайди. Афсуски, айни ҳал қилувчи участкаларда худди шундай хусусиятли раҳбар, мутахассислар етишмаяпти. Шу бois қишлоқ жойларида боғчаларнинг озиқ-овқатларига бўлган эҳтиёжнинг учдан бир қисмигина таъминланяпти. Болаларга бепул маҳсулотлар етказиб бериш ишлари ҳам жуда паст даражада. У эҳтиёжнинг атиги ярмини қондиради. Умуман олганда, областда болаларнинг 28,6 проценти боғчаларга тортилганлиги, болалар ўлимининг юқорилиги бу борадаги аҳволнинг нечоғлик ташвишли эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Бунинг устига соғлиқни сақлаш муассасаларида кадрлар муаммоси жиддий бўлиб турибди. Ҳозирча 400 педиатр врач етишмайди...

Аҳволни айни пайтда ажратилаётган маблағ ва фондлар билан яхшилаб бўлмайди. Назаримда, бунинг учун махсус комиссия тузилиши, у юзага келган вазиятни ҳар тарафлама чуқур ўрганиб, махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Шундай қилинсагина, хоразмлик болаларнинг келажаги таъминланади, дардлари фориғ бўлади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири,

Т. МУЛЛАБОЕВ,
республика телевидениесининг болалар ва ўсмирлар учун кўрсатувлар бош редакцияси бўлим мудири.

* * *

РЕДАКЦИЯДАН: Ушбу материал республика телевидениесининг биринчи программаси орқали бугун, 16 июнь соат 18 дан 15 минут ўтганда кўрсатилади. Рейд материаллари ҳақида ва умуман шу соҳага оид фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

• Сураткаш нигоҳи

ИНСОН ҚАЛБИ НОЗИК

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, ногирон кишилар давлат ғамхўрлигидан баҳрамандлар. Бундай ғамхўрликдан улар қалбида миннатдорчилик туйғулари уйғонади. Инвалидларга яратиб берилган шифо масканларидаги барча қулайликлар нозик қалбли кишиларнинг кўнглини кўтаряпти.

Бироқ ногирон кишилар учун яратилаётган буюмларнинг сифати талабларга тўла жавоб бермайди. Бундай буюмлар баъзи ҳолларда узоқ ишлатишга яроқсиз. Тошкентдаги протез буюмлари заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар унга муштоқ бўлиб турган кишиларни ранжитаётганига оид мисоллар бор. Протез ботинкалар, протез бойлагичлар чидамсизлиги ногиронлар қалбини шикастламоқда. Учинчи-тўртинчи сорт хом ашё олиб, ундан протез мосламалар тайёрлаб чиқараётган ишчиларнинг ҳам кўнгли тўлмаяпти.

Нега дейсизми? Сифатсиз материалдан тайёрланган маҳсулот кўпга чидамаслиги аён. Самарқанддаги Й. Охунбобоев номли кўн заводи ва Тошкентдаги «Ўзбекистон» кўн ишлаб чиқариш бирлашмасидан олинаётган хом ашё сифатсиз маҳсулот тайёрланишига сабаб бўлмоқда. Инвалидлар ва протез заводи ходимлари билан суҳбатлашганимизда, улар Киров шаҳридаги завод хом ашёси юқори сифатли эканлигини таъкидладилар. Ўша заводнинг 5—6-сорт материаллари ҳам бизнинг республикамиздаги мавжуд материаллардан ҳар қанақасига устунлик қилади.

— Бутуниттифоқ кўн заводлари маҳсулотлари кўргазмасида бошқа республикалар корхоналарида ишлаб чиқарилган протез буюмлар хом ашёсини кўриб ҳайратландик, — дейди корхона бичиқчилик цехининг ишчиси Ю. Пинхасов. — Мана бу хом ашёни (1-сурат) бичиш учун қўлга олган чоғимиздаёқ таъбимиз тирриқ бўлади. Чунки ҳамма ери йиртиқ ва тешилиб кетган. Протез цехининг ишчиси П. Ткачев эса қўлига олган материалнинг аҳволидан ҳайратда (2-сурат). Бунақа материалдан протез буюм тайёрлашга ақл бовар қилмайди.

Киши қалби нозик. У ногирон бўлса-ю, бунинг устига дардига малҳам бўладиган буюмлар сифатсизлигидан қалби шикастланса! Протез корхоналарининг шериклари бўлган кўн саноати заводлари бундай аҳволни мулоҳаза қилиб кўришлари керак.

М. НАЗАРОВ.

Суратда: сифатсиз маҳсулотлар намуналари.

МУАЛЛИФ суратлари.

• Кўргазма залларида

Амир Темур сиймоси

МОСКВА. (Телефон орқали). Мамлакатимиз пойтахтидаги К. А. Темирязев номидаги биология музейида намойиш қилинган «Тикланган сиймолар» кўргазмаси томошабинларда муносиб қизиқиш уйғотди. Бу ерда ўтган асрларда яшаган тарихий шахсларнинг қиёфасини акс эттирувчи саксонга яқин ҳайкал экспонатлар қаторидан ўрин олди. Уларни — ажойиб совет антропологи, археолог ва ҳайкалтарош Михаил Михайлович Герасимов яратган эди.

Кўргазмадаги экспонатлар орасида тожик классик шоири Рўдакий, жаҳонгир саркарда Амир Темур, Владимир — Суздаль князи Андрей Боголюбский, Киев князи Ярослав Мудрий, денгиз қўшинлари қўмондони Федор Ушаков ва бошқа қатор сиймоларнинг тикланган жонсиз нигоҳлари томошабинларда тарихда юз берган воқеалар, буюк сиймолар ва қолаверса, ҳайкалтарошнинг маҳорати ҳақида фикрлар уйғотади.

СССР Давлат мукофотининг лауреати, тарих фанлари доктори, археолог ва ҳайкалтарош Михаил Герасимов марҳумнинг сақланиб қолган тана суяги қолдиқлари асосида ўша одамнинг асл қиёфасини тиклаш методини яратган. Олим Сурхондарё областининг Тешиктош ғоридан топилган қадимги дунё боласининг юз тузилишини моҳирлик билан яратгани фан оламида ўзига хос қизиқарли воқеа бўлган. Олим ва ҳайкалтарош Михаил Герасимов Иван Грозний, Шиллер, Амир Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек каби буюк алломаларнинг портретларини ҳам яратган.

Шу муносабат билан музей директори Валентина Алексеевна Иванова бундай деди:

— Музейимиз фонди бундай экспонатларга ғоят бой. Улар ўзининг моҳияти билан тарих фани ва ўтмиш аждодларимиз ҳақида етарли маълумотлар ва тасаввурлар бера олади. Бу кўргазмани Ўзбекистон шаҳарларида кўрсатиш айни муддао бўларди. Бунинг учун республикангиздаги музейлар ташаббус кўрсатишса, биз таклифларни бажонидил қабул қиламиз.

Шу суҳбатдан кейин 1941 йилда Амир Темур қабрини очиш пайтида қатнашган олимлардан бири билан гаплашдик. У киши Лазерь Израилович Альбаум, Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарих музейида катта илмий ходим бўлиб ишлайди, тарих фанлари кандидати.

— Ўша пайтларда ёш илмий ходим эдим, — дейди Лазер Израилович, — мени Михаил Герасимов раҳбарлигидаги экспедицияга лаборант қилиб ишга олишди. Бу группада академиклардан Қориниёзов, Яҳё Ғуломов, Ошанин, Шишкин бор эдилар. Ҳамон эсимда. Ёш кинооператор Малик Қаюмов воқеаларни камера билан суратга олиб турган эди. Биз жаҳонгир қабрини авайлаб очдик. Унда ҳаммамизга нотаниш, таниб бўлмас тана суяклари ётарди. Бу ўша оқсоқ Темур эди. Герасимов оҳиста, тадбиркорлик билан заргарона ҳаракатлар қилиб, улуғ зотнинг суякларини кўтариб юзага олиб чиқди. Шундай қилиб, бутун оламга жангу-жадаллари билан шуҳрат қозонган Амир Темурнинг тана суяклари неча юз йиллардан кейин совет олимининг Москвадаги лабораториясига тадқиқотлар учун олиб кетилди.

Темурнинг арча тобути темирчилар тайёрлаган катта-катта михлар билан маҳкамланган. Тобутда Темурнинг бир неча қават мато ва бир қават кимхоб билан ўралган суяги ётарди. Унинг боши Ислом ақидаларига кўра қибла томонга қаратилган, қўллари тўғриланган ва панжалари ёйилган. Жаҳонгирнинг 1362 йил урушда яраланиш натижасида оқсаб юрганлиги ва қўли қотиб қолганлиги ҳақидаги тарихий маълумотлар экспедиция чоғида тасдиқланди. Экспедиция Самарқандда ўз ишини тугатгандан кейин тарқалдик. Орадан кўп ўтмай, уруш бошланиб қолди. Мен фронтда эдим. Кейин эшитсам Амир Темур жасади суяклари 1943 йилда Москвадан келтирилиб, Самарқандда ўз жойига қайта дафн этилган экан.

Михаил Герасимович кейинчалик Москвада Амир Темурнинг ҳақиқатга яқин сиймосини яратишга эришди. Ҳайкалтарош жаҳонгир ҳайкалининг бир неча нусхасини яратган. Бири Москвадаги ўша музейда. Иккинчиси олимнинг оила аъзоларида, яна бири бизнинг музейда сақланмоқда.

Антрополог, археолог ва ҳайкалтарош Михаил Герасимов кашфиёти ва амалиёти фақат тарих фани учун эмас, балки умумий маданиятимиз учун ғоят бебаҳо ва қадрлидир.

А. ПУЛАТОВ.

Муҳаррир ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЁЗГИ ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ЎТСИН

КАЛЕНДАРДА — ЁЗ! ҚУВНОҚ ТАЪТИЛ, МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ ПАЙТИ АВЖИДА. КЎПЧИЛИК ЎҚУВЧИЛАР ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИДА ДАМ ОЛМОҚДАЛАР.

Оромбахш ёз ҳар хил қайғули ҳодисалардан ҳоли бўлиши учун раҳбарлар бутун лагерь территориясида махсус ёнғинга қарши тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Мавжуд Низом ва типовой қоидаларга биноан шаҳар ташқарисида жойлашган болалар соғломлаштириш лагерларида ёнғинга қарши режимга риоя қилиш масъулияти шахсан раҳбарлар зиммасига юклатилади.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ ЗАРУР:

Барча пионервожатийлар, тарбиячилар, медицина ходимлари ва бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўрганиб чиқиш ва бу соҳада синов ўтказиб, улардан қўл қўйдириб олиш керак;

ҳар ойда камида бир мартадан мунтазам равишда ёнғиннинг олдини олиш тўғрисида суҳбат ўтказиб туриш зарур;

жанговар ҳолатдаги кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинасини ташкил қилиш ва мавжуд Низомга мувофиқ ҳолда уни иш билан таъминлаш;

олдиндан, то болалар етиб келгунга қадар ёнғин чиқиш ҳолларида хизмат қилувчи ходимлар орасида мажбуриятлар аниқ тақсимланган эвакуация планини ишлаб чиқиш;

пионер лагери территориясида, барча бинолар ва иморатларда қатъий ёнғинга қарши режим ўрнатиш ва бу режимни доимий равишда сақлаб туриш, ўт чиқиш хавфи бўлган ишларни ниҳоятда зарур ҳолатларда ўтказиш тартибини жорий этиш ва бунда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, болалар уйқуга кетгач ётоқ корпусларини ва ишлар ниҳоясида ёрдамчи биноларни кўздан кечириш;

болалар жойлашган биноларда пиротехник (ёниб нур сочувчи) буюмлар, керосин, бензин, бўёқлар каби тез алангаланувчи ва бошқа ўт чиқиш хавфи бўлган моддалар ва материалларни сақлашга йўл қўймаслик;

электр ускуналаридаги электр симлари ва электр иситиш асбобларининг ҳолати ва улардан тўғри фойдаланиш тақиқланган жойда уларнинг ишлатилишига йўл қўймаслик;

барча биноларни зарур ўт ўчириш ва алоқа воситалари устидан доим назорат қилиб бориш ҳамда фойдаланиш билан жиҳозлаш ва уларни доимий шай ҳолатда сақлаш. Улардан ўт ўчириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар хил хўжалик ва бошқа эҳтиёжлар йўлида фойдаланиш қатъий тақиқланади;

оммавий тадбирлар, кечалар, спектакллар, концертлар, киносеанслар ўтказилаётганда хавфсизлик чораларига риоя қилинишини таъминлаш, бундай тадбирлар пайтида кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси ва кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш;

эвакуация йўллари ҳолатини назорат қилиб бориш, коридор ва зинапоя майдончаларини тўсиб қўймаслик, асосий ва эҳтиёт чиқиш эшикларини қулф билан беркитмаслик, аксинча уларга осон очиладиган илгаклар ўрнатиш;

ёнғин хавфсизлиги тадбирларини, дастлабки ўт ўчириш воситаларининг, махсус техниканинг ва бошқа оловга қарши кураш воситаларининг соз ҳолдалигини текшириш;

территорияни ўт олиб кетиши мумкин бўлган чиқиндилар, ахлатлар ва қуриган ўт-ўланлардан тозалаш;

гулхан ёқиш, ахлатларни ва ўраш материалларини ёндиришни тақиқлаш;

ўт ўчириш ҳандақларини ремонт қилиш ҳамда ёнғин техникаси ва автомашиналарни ишлашга тахт қилиб қўйиш;

корхоналар ва ташкилотларнинг территорияларида товар-моддий бойликларни омборларга жойлаштириш ва сақлашни ҳамда ана шу омборларга машинада бориш йўлларини тартибга келтириш, бу йўлларни ва йўлакларни ускуналар ва техника билан қалаштириб ташламаслик.

Ўзбекистон республика кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

●

Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг
ЎСИМЛИКЛАР
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ
ЛАБОРАТОРИЯЛАР
БЎЙИЧА
вакант вазифаларга

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ХЎЖАЛИК
ШАРТНОМАСИГА КЎРА

кичик илмий ходим: «ўсимликлар физиологияси» ихтисоси бўйича ғўза гетерозиси;

БЮДЖЕТ БЎЙИЧА

кичик илмий ходим: «ботаника» ихтисоси бўйича пахта толасининг ривожи биологияси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй. Телефон — 62-05-27.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, «Узкитоб» республика бирлашмаси китоб савдоси тармоғининг кекса ходими, республика «Узкитоб» бирлашмаси Советининг аъзоси, 1954 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, бирлашма кенгаши аъзоси

Абдураҳмон
МАМАЮСУПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар суди коллективи Тошкент шаҳар суди аъзоси А. Н. Ниятовга отаси

Ният
ХИДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

СУЗИШ:

ЯНА БИР МЕДАЛЬ

Кишинёвда мамлакат чемпионати қизғин давом этмоқда. Мовий йўлкалардаги муросасиз баҳсларда қатнашаётган тошкентлик моҳир сузувчи Сергей Заболотнов дастлабки ғалабага эришди. У ўзининг мамлакат ва халқаро мусобақаларда қўлга киритган совринлари қаторига яна битта олтин медаль қўшди. У 50 метрли масофага чалқанча сузишда 26,67 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

СОВРИНДОРЛАР

Волгоградда ака-ука Знаменскийлар хотира-соврини учун ўтказилган халқаро мусобақада республикамиз вакиллари муваффақиятли куч синашишга ҳаракат қилишди. Югурувчи Марина Шмонинанинг 400 метрли масофада 51,42 секундли натижа билан зафар қучгани ҳақида маълум қилган эдик. Унинг командадошларидан Д. Полюнин найза улоқтиришда 80,42 метрли маррани эгаллаб, мусобақанинг бронза медалини олди. Шунингдек В. Черников уч ҳатлаб сакрашда 17,07 метрли натижа кўрсатиб, ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилди. Мусобақада тошкентлик лангар билан сакраш устаси Р. Гатауллин қатнашмади. Олимпиада чемпиони С. Бубка 590 сантиметрли натижа билан биринчи бўлди.

ШАХМАТ:

КУБОК УЧУН БАҲС

Роттердам шаҳрида жаҳон кубоги учун бешинчи босқич мусобақалари давом этмоқда. Тўққизинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ҳозирча жаҳон экс-чемпиони А. Карпов 6 имкониятдан 5 очко тўплаб, биринчи бўлиб турибди. Голландиялик Тимман билан англиялик Нанн ҳисобида ҳам шунча очко бор. Улар 8 тадан учрашув ўтказишган.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ИККИНЧИ ЛИГА. Еттинчи зона коллективлари ўртасида ўн тўққизинчи тур ўйинлари ўтказилди. Пешқадам Жиззахнинг «Ёшлик» командаси сафарда «Сельмашчи» футболчиларини енгиб (3:1), жами очколарини 27 тага етказишди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии
Узбекистана, Верховного
Совета и Совета Министров
Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград
кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01307. Б. — 142. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12